БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 26 июль
Пайшанба
№ 139 (13.575).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Шу сонга хабар

Мажбур бўлишмоқда

Қирғизистон ССРнинг Ўш вилоятида кескин вазият сақланиб турибди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари эҳтиросларни авж олдирмасликка, безори унсурларнинг иғвогарлик ҳаракатларига ва айниқса, хунрезликка йўл қўймасликка уринмоқдалар. Бироқ ўрнатилган тартибга, шу жумладан, комендантлик соати режимига қарши чиқишга, вилоят ва жумҳурият раҳбариятига куч билан тазйиқ ўтказишга интилувчи кучлар топилмоқда, улар дўқ-пўписа қилмоқдалар, рухсат этилмаган митинглар ва юришларни ўтказмоқдалар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қаттиқ чораларни кўришга мажбур бўлмоқдалар. Равшанки, бундай чоралар ақл-идрок билан иш тутишга даъватлар фойда бермагандан кейингина қўлланилмоқда.

СССР Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар штаби бошлиғининг ўринбосари полковник А. Котляровнинг ТАСС мухбирига изоҳлаб беришича, Ўш вилоятида вазият кескинлашган даврда «Черемуха» каби махсус воситалар ўн мартадан кўпроқ қўлланилди. Шу муносабат билан айрим оммавий ахборот воситаларида махсус воситалар гўёки оғир оқибатларга сабаб бўлгани ҳақида хабарлар пайдо бўлди. Бу ҳақиқатга тўғри келмайди.

Махсус воситалар синовдан ўтган, СССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг нуфузли комиссияси томонидан қабул қилинган. Уларни қўлланиш одамларнинг жароҳатланишига, айниқса, ҳалокатига мутлақо сабаб бўлмайди.

Ички қўшинларнинг махсус воситаларни қўлланиши мажбурий чорадир. Ўш вилоятида бош-бошдоқлик ва эҳтиросларнинг авж олиши ўрнини соғлом фикр эгалласа бундай воситаларни қўлланишга зарурат қолмайди.

В. ГОНДУСОВ,
ТАСС мухбири.

САФАР ҚАРИДИ

Муштарийларимизнинг ёдида бўлса, бундан 16 кун олдин рўзномамизда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ипак технологияси кафедраси ташаббуси билан тузилган «Буюк ипак йўли — дўстлик, тинчлик ва ишонч йўли» илмий ёшлар экспедициясининг сафарга отланганини ҳақида хабар берган эдик.

Куни кеча жумҳурият Енгил саноат вазирлиги ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси маъқуллаган мазкур экспедиция сафардан қайтди. Экспедиция аъзоларининг айтишича, улар сафар давомида бой материаллар тўплаган. Рўзномамизнинг навбатдаги сонларидан бирида экспедиция иши хусусида батафсил маълумот бериш ниятидамиз.



СУРАТДА: «Буюк ипак йўли» бўйлаб сафар қилган экспедиция аъзоларидан бир гуруҳи.

Сураткаш Муҳаммад АМИН.

Ўсмир, бу йўлдан қайт!

Мамлакатда жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳали унчалик муваффақиятга эришаётганлари йўқ. Ўсмирлар ва балоғатга етмаган болалар ўртасида гиёвандликка қарши курашга бағишланиб журналистлар билан бўлган учрашувда кутилмаганда «қандайдир нур» кўрингангa ўхшади: ўтган йили нотиббий йўл билан қорадори моддаларини истеъмол қилганлиги учун ҳисобга олинган балоғатга етмаган ёшлар сони 1988 йилга нисбатан анча камайди.

Ушбу жараён бу йил ҳам давом этмоқда. Аҳоли орасида 14—17 ёшдаги ҳар 100 минг киши ҳисобидан қорадори истеъмол қилиш даражаси ўтган йили 49 кишини ташкил этган бўлса, ҳозир бу 8 кишига камайди, яъни 41 кишини ташкил этди.

СССРда қорадори истеъмол қилувчилар расман рўйхатга олинган 117 минг кишига нисбатан анча кўпчиликни ташкил этади. Болалар ва ўсмирларни қорадори истеъмол қилишдан асраш Бутуниттифоқ жамиятининг маълумотлари ҳам бундан далолат бериб турибди: ҳар йили бозорларда 50 тоннага яқин қорадори сотилади.

Мазкур жамият вакиллари журналистлар билан бўлган учрашувларда бирор марта ҳам айтилмаган маълумотларни уларга тақдим этишди: қорадори балосига йўлиққан, уни ғайриқонуний истеъмол қилганлиги учун жазо муддатини ўтаётган қизларнинг 60 фоизи тиббий ҳамширалар; қорадори балосига гирифтор бўлганларнинг 50 фоизга яқини 30 ёшга етмасдан ўлиб кетмоқда; қорадори истеъмол қила бошлаганидан сўнг уларнинг ўртача умри 25 йилдан ошмайди: гиёвандларнинг 60 фоизга яқини ўзини-ўзи ўлдиришга ҳаракат қилади.

Даҳшатли маълумотлар... Унга қарши ҳозирча фақат ички ишлар идораларигина фаол курашмоқдалар. Лекин уларнинг бунга кучи етмайди, етиши ҳам мумкин эмас. Афсуски, буни эътироф қилишимизга тўғри келади. Болалар ва ўсмирларни қорадори истеъмол қилишдан асраш Бутуниттифоқ жамияти вакилининг сўзларига қўшилишга ҳам мажбурмиз: «Биз бу ишда давлатнинг ёрдамига умид қилмаймиз ва ундан ёрдам ҳам кутмаймиз».

Н. ДЕМИДОВ,
ТАСС мухбири.



Далалар гулзорга айланган

Айни саратон. Саҳий қуёш ўз нурини аямай сочмоқда. Қуёшдан нур эмган далаларда чирой ўзгача. Яшнаётган далани кўрган деҳқоннинг қалбида бир олам қувонч.

Эрта баҳордан яхши ният билан далага отланган Дўстлик ноҳиясининг «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалигидаги Тугал Эшонқулов бошлиқ бригада аъзолари 50 гектар майдонга чигит экди. Ўтган йили бригада аъзолари гектарига 30 центнердан хирмон кўтаришганди. Бу йилги марра эса гектаридан 35 центнер ҳосил олиш. Ҳозир далалар гулзорни эслатади. Ғўзалар бир текисда гуллаган. Яқинда бу гуллар кўсакка, сўнг деҳқоннинг севимли «оқ олтини»га айланади. Ана шунда деҳқон ташвишига-ташвиш, севинчига-севинч қўшади. Буни фақат ҳақиқий миришкор қалбдан ҳис қилади.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Тугал Эшонқулов, механизатор Абдуваҳоб Яхшибоев билан.

В. ТЎРАЕВ сурати.

«Болалар боғчаси ишга туширилмасин!»

ЖУМҲУРИЯТ ПРОКУРАТУРАСИ ШУНИ ТАЛАБ ҚИЛДИ. НИМА УЧУН?

Қораўзакда ўтган йилнинг декабрида болалар боғчаси расмий тарзда фойдаланишга қабул қилинган эди. Давлат қабул комиссиясининг аъзолари ҳужжатга қўл қўйишган, уни ноҳия ижроия қўмитаси тасдиқлаган эди... Орадан икки ой ўтди. 140 нафар кичкинтой ўз боғчаларига девор орқасидан суқланиб қарашарди. Қозонхона қурилиши охирига етказилмаган, электр розеткалари юлиб олиб кетилганди... Қабул қилинган, аммо бажарилмаган ишлар ҳажми 3 минг сўмни ташкил этарди. Бинобарин, бу пулни буюртмачи — Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши капитал қурилиш бошқармаси тўлаб юбораверганди. «Приаралводстрой» трестининг 24-кўчма механизациялашган колоннаси бинокорлари бажармаган ишлари учун ҳам пул олишганди.

Ўзбекистон ССР прокуратураси уй-жой ва ижтимоий маданий-маиший иншоотларни ишга тушириш юзасидан тайёрланган ҳисоботларнинг қай даражада ишончли эканлиги текшириш чоғида шу нарсалар аниқланди.

Қораўзак ноҳия ижроия қўмитаси прокуратура талаби билан болалар боғчасини фойдаланишга топшириш тўғрисидаги ўз қарорини бекор қилди, уни давлат статистика ҳисобидан чиқариб юбордилар.

Ушбу иншоотдан сўнг назорат қилувчи идораларнинг мутахассислари Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл, Чимбой, Кегайли ноҳияларида, Нукусда яна 16 та иншоотни текширдилар. Ҳисоботларга қараганда, уларнинг ҳаммаси фойдаланишга топширилган экан. Лекин аслида-чи?

Нукусда ҳунар-техника билим юртининг биноси вилоят болалар касалхонаси ҳамда поликлиникасига мослаштирилган. Бу ишда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги капитал қурилиш бошқармаси буюртмачи, Ўзбекистон ССР Қурилиш Вазирлиги 166-трестининг 390-кўчма механизациялашган калоннаси пудратчи бўлган. «Узздравпроект»нинг Нукус бўлими таъмирлаш лойиҳасини ишлаб чиққан. Бундай касалхона Нукусда жуда керак. Лекин лойиҳачилар шамоллатиш қурилмалари, юк ташувчи ва одам ташувчи лифтларни лойиҳалаштирмаган эдилар. Буюртмачи лойиҳани таҳлил қилмади. Пудратчи эса 12 минг сўмдан кўпроқ ишни бажармади.

Касалхона шифокорлари Қорақалпоғистон соғлиқни сақлаш вазири ва шаҳар ижроия қўмитасига касал болаларнинг бу ерга ётқизилиши мумкин эмаслигини айтиб мурожаат қилишди. Аммо соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари В. Идунов ва Нукус «Госархстройконтроль» бошлиғи В. Мардонов бошчилик қилган комиссия ишни бошқача ҳал этди — фойдаланишга топшириш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Натижада имзолар бор, ҳисобот бор эди-ю, касалхонанинг ўзи йўқ эди.

Туямўйин қишлоғида қад кўтарган уйларнинг бири билан ҳам шундай воқеа рўй берди. Уй фойдаланишга топширилганлиги тўғрисидаги ҳужжат имзоланганидан сўнг икки ой ўтганида ҳам бу ерда 12 нафар монтажчи, 20 нафар пардозловчи ишларди. Бир қанча хонадонларнинг поллари ва эшиклари бўялмаган, газ плиталар, ванналар, санитария-техника ускуналари йўқ эди... Демак, бу ерда яшаб бўлмасди.

Қуриб битказилмаган уйни «фойдаланишга» топшириш ҳақида рухсат берган қабул комиссиясига Тўрткўл ноҳия ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари А. Аббосов раис бўлганди. У уй қурилишидаги камчиликларни эътироф қилди. Энди ҳамма гап ноҳия ижроия қўмитаси билан унинг раиси Д. Оммонепесовга боғлиқ бўлиб қолди. Улар қатъият кўрсатишлари — қонунга мувофиқ илгари тасдиқланган қарорни бекор этишлари ва бинокорлар камчиликларни бутунлай бартараф этганларидан сўнг уйни қайтадан қабул қилишлари зарур.

Афсус, уларнинг бу ишга чидами етишмади. Текширишда қатнашган прокуратура ходимлари ва бошқа мутахассислар жўнаб кетишганидан кейин уч кун ўтгач, манфаатдор мансабдор шахслар уйдан нормал фойдаланишга халақит бераётган камчиликлар йўқлиги хусусидаги ҳужжатни туздилар.

Юмшоқроқ қилиб айтганда, амалдорларни бундай ҳийла ишлатишга нима мажбур этмоқда? Одамлар кўчиб кириши учун тайёр бўлмаган уйлар, қуриб битказилмаган болалар боғчалари, касалхоналарнинг тайёр бўлганлиги тўғрисидаги ҳисоботлар ҳеч қандай тўсиқсиз пастдан юқорига қараб нима сабабдан ўтиб кетаверади? Қуйида ноҳия ижроия қўмитаси — маҳаллий Шўросининг ижроия идораси маҳаллий аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиши керак эмасми? Лекин юқорида — мухтор жумҳуриятнинг Вазирлар Кенгаши, олий ижроия-фармойиш берувчи идораси турибди. У буюртмачи, планнинг бажарилишидан манфаатдор. Бу ерда иншоот қуриб битказилганлигидан хурсандлар. Шунинг учун Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши ҳам капитал қурилиш бошқармасининг бошлиғи П. Акатьев қабул комиссияларининг ҳужжатларига хонасида ўтирган ҳолда имзо чекади. Ноҳия ижроия қўмиталарида эса юқоридаги бошлиққа хуш келадиган ишларни қилишга тайёрдирлар — улар алдашдан тўхтамайдилар, қурувчиларга қўшиб ёзиш, ҳисоботларни бузиб кўрсатиш учун имконият берадилар.

Қурувчилар бинокорлик материалларининг сифати ёмонлигидан шикоят қилишади. Лекин иншоотларга келаётган йиғма темир-бетон конструкциялари ва бинокорлик материаллари назорат этилмайди. Натижада эса Нукусда бунёд этилган 1296 ўринли деворлари илма-тешик мактаб сингари иншоотлар пайдо бўлмоқда. Ўтган йили Ўзбекистон ССР Қурилиш вазирлигининг 166-қурилиш тресги конструкцияларни қиёмига етказиш учун 50 минг сўм пул сарфлади. «Каракалпакагрострой»да эса брак маҳсулотлардан келаётган зарар миқдорини умуман билмайдилар, чунки келтирилаётган зарар ҳисобга олинмайди.

Қурилишнинг оралиқ босқичида ҳам етарли назорат йўқ. Нима учун? «Госархстройконтроль» вилоят ижроия қўмитаси ҳузурида иш олиб боради, унга қарам. Ноҳия статистика органлари ноҳия ижроия қўмиталари ҳузурида ишлайди, тасдиқланган ҳисоботларни текширишга, афтидан, ҳуқуқлари бўлмаса керак.

— Ўзбекстон ССР прокуратураси текшириш якунларига кўра Қорақалпоғистон банк муассасаларига пудратчилар ва буюртмачилардан бажарилмаган ишлар ҳажми учун етти фоиз миқдорида, сифатсиз ишлар учун яна шунча миқдорда жарима ундириш, иш ҳақи фондини қайта ҳисоблаб чиқиш тўғрисида кўрсатма берди — дейди хўжалик фаолиятида қонунларга риоя этишни назорат қилиш ва табиат муҳофазаси бошқармасининг катта прокурори Ю. Шокирова. — Қорақалпоғистон банклари ундириб олган пул миллион сўмга яқинлашади.

Жумҳурият прокуратураси Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашига мурожаат этиб, қурилишда қўшиб ёзишларга қарши курашда қўшимча чора-тадбирлар кўришни, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи П. Акатьевни, Қорақалпоғистон соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари В. Идуновни қаттиқ интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқишни, принципсизлик қилганлиги ва сохта фаровонлик яратишга уринганлиги учун Тўрткўл ноҳия ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари А. Аббосовни, шунингдек, ноҳиядаги бир қанча бошқа мансабдор кишиларни жавобгарликка тортишни таклиф этди. Алдамчиликларга барҳам берилсин!

Гапимизни шу ерда тўхтатсак ҳам бўларди. Лекин прокуратуранинг юборган хати май ойининг ўрталаридан бери Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашида ҳали ҳам натижасиз ётибди.

Н. ШУЛЕПИНА,
ЎзТАГ мухбири.

«Ёш ленинчи»га жавоб берадилар

«Жигули» бериладиган бўлди

«Мен 1962 йилдан КПСС аъзосиман. 1958 йилдан Поп нон комбинатида мастер бўлиб ишлаяпман. Бир неча йилдан бери енгил автомашина олиш учун кирмаган эшигим қолмади. Ноҳия раҳбарларига айта-айта чарчадим. Охири сизларга ёрдам сўраб шикоят ёзишга мажбур бўлдим. Агар иложи бўлса менга енгил автомашина олишда ёрдам берсаларингиз», деб ёзади поплик **М. ТОШХЎЖАЕВ.**

Ушбу шикоятни текшириб чора кўриш учун **Халқ депутатлари Наманган вилояти Шўроси ижроқўмига юборгандик. Яқинда Поп ноҳия ижроқўми раисининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи И. АКБАРАЛИЕВдан жавоб олдик.**

«Поп ноҳия нон комбинати ишчиси, фуқаро М. Тошхўжаевнинг «Ёш ленинчи» рўзномасига ёзган шикояти ноҳия ижроқўмида кўриб чиқилди. Ҳозирги кунда нон комбинатига ажратилган «ВАЗ-21063» маркали автомашинани меҳнат жамоаси ва касаба уюшмаси қўмитаси фуқаро М. Тошхўжаевга беришни лозим топди».

Қисман топилди

«Ушбу шикоятни ёзишга мажбур қилган нарса ноҳиямиз ички ишлар бўлими ходимларининг лоқайдлиги бўлди. 1989 йил 9 сентябрга ўтар кечаси уйимизга ўғри тушиб, квартирамиздан 30 минг сўм пул билан тилла тақинчоқларни ўмариб кетишди. Лекин милиция ходимлари ўғриларни топиш ўрнига бизга турли ваъдаларни бериб, шошилмаслигимизни айтмоқда. Вақт эса ўтиб бормоқда. Уйдаги баъзи нарсалардан ўғриларнинг оёқ ва қўл излари олиниб, экспертга юборилганди. Орадан, 6 ой ўтаяптики, ноҳия ички ишлар бўлимига экспертнинг жавоблари келмаганмиш. Наҳотки шу рост бўлса, ўғриларни топиб, пул ва тақинчоқларимни тезроқ қайтариб олишда ёрдам сўраб Жарқўрғон ноҳияси ички ишлар бўлими бошлиғига мурожаат қилдим. У эса «жиноятчиларни топамиз» дейишдан нарига ўтмаяпти. Биз ўғриликда гумон қилган шахслар ҳам яхшилаб тергов қилинмаяпти.

Ойша ЖУМАЕВА,
Жарқўрғон ноҳияси, Ленин кўчаси, 2-«Б» уй. 20 квартира.

Ушбу шикоятни текшириб чора кўриш учун **Сурхондарё вилояти ички ишлар бўлими бошқармасига юборгандик. Яқинда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Д. Ш. Марданов имзоси билан жавоб олдик.**

«Ҳақиқатдан ҳам 1989 йил 9 сентябрь кечаси Ойша Жумаеванинг уйига номаълум шахслар кириб 30 минг сўм пулни ва ҳар хил тилла тақинчоқларни ўғирлаб кетишган. Бу факт бўйича Жарқўрғон ноҳияси ички ишлар бўлими томонидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ишлари олиб бориш натижасида 1990 йил апрель ойида ушбу жиноятни содир этган шахслар аниқланиб, ўғирланган нарсалар (пул ва тақинчоқлар) қисман топилди. Тергов ишлари тугагач, айбдорлар қилмишига яраша қонун олдида жавоб берадилар.

Имкони қидирилмоқда

«Мен Иштихон ноҳияси ички ишлар бўлимининг навбатчилик қисмида 1978 йилдан буён хизмат қилиб келаётгандим. 1989 йил 30 июнь куни Иштихон ноҳияси ички ишлар бўлими бошлиғи М. Бобоқулов ҳеч қандай сабабсиз, ҳатто розилигимни ҳам олмай мени Жомбой ноҳияси ички ишлар бўлимига хизматга жўнатди. Шундан буён Жомбой ноҳиясида ишлаб келаяпман. Оиламиз эса Иштихонда. Тўғриси қатнаб ишлаш жонга тегди. Ўз иш жойимга, Иштихон ноҳияси ички ишлар бўлимига ўтказишини сўраб вилоят фирқа қўмитаси ва Иштихон ноҳияси фирқа қўмитаси биринчи котиби Т. Йўлдошев қабулида бўлдим. Т. Йўлдошев ишимни ижобий ҳал қилиш учун ноҳия ИИБ бошлиғи М. Бобоқулов ҳузурига юборди. У эса «мен Иштихонда ишлар эканман, сенга бу ерда ўрин йўқ» деди. Охири бу иш жанжал билан тугади. Сизлардан илтимосим ишимни ижобий ҳал бўлишида ёрдам берсаларингиз. Оиламизнинг умиди сизлардан», деб ёзади **Иштихон ноҳияси Ўзбекистон кўчасидаги 28-уйда яшовчи Сирож ЯХШИБОЕВ.**

Мазкур шикоятни текшириб чора кўриш учун **Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғига юборгандик. Яқинда вилоят ички ишлар бошқармаси кадрлар бўлими бошлиғи ўринбосари А. ЖЎРАЕВ имзоси билан жавоб олдик.**

«Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси С. Яхшибоевнинг сабабсиз бошқа ноҳия ички ишлар бўлимига ишга ўтказилганлиги тўғрисидаги аризасини кўриб чиқди. Ҳақиқатдан С. Яхшибоев 1989 йил хизмат тақозоси билан Жомбой ноҳияси ички ишлар бўлимига ўтказилган. Ҳозирги вақтда Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси С. Яхшибоевнинг ўзи яшаган ноҳияга ёки унга яқинроқ шаҳардаги ички ишлар бўлимига ўтказиш имконини қидирмоқда».

Маошлари оширилди

«Ҳурматли редакция! Ушбу шикоятни сизларга бир гуруҳ Самарқанд вилояти Нарпай ноҳияси «Иттифоқ» жамоа хўжалигидаги «Шодлик» болалар боғчаси тарбиячилари ёзаяпти. Кейинги пайтларда жумҳуриятимизда нафақа олувчиларнинг пули оширилди. Бундан хурсандмиз. Лекин тўғриси биз боғча тарбиячиларининг маоши эса ҳамон 60—70 йилларда белгиланган нормага асосланган. Нарх-наво кун сайин кўтарилмоқда. Пул эса қадрсизланаётир. Бу ҳақда кўплаб гапириляпти. Биз боғча тарбиячиларининг маошимиз қачон ошаркин, билмадик!

Б. ҲАКИМОВА,
Г. ҚОРАЕВА ва бошқалар».

Ушбу шикоятни текшириб чора кўриш учун **Халқ депутатлари Нарпай ноҳия Шўроси ижроия қўмитасига юборгандик.**

«Нарпай ноҳия агросаноат уюшмаси болалар сони ва иш стажига қараб болалар боғчалари тарбиячиларининг ойлик маошларини ошириш тўғрисидаги тавсиянома ўз вақтида бир неча маротаба ноҳиядаги барча хўжаликларга етказилган эди, — деб ёзади жавоб хатида райижроқўм раиси Б. Улфатов. Шунга қарамасдан баъзи хўжалик раҳбарлари хўжаликда иқтисодий тангликни дастак қилиб, боғча тарбиячиларининг ойлик маошларини 1990 йил 1 январга қадар оширмаганлар. Яқинда «Иттифоқ» жамоа хўжалигида жойлашган «Шодлик» болалар боғчаси ходимларининг иш ҳақлари қуйидагича: мудирага — 160 сўм, тарбиячиларга — 100 сўмдан, энагаларга — 80 сўмдан белгиланди.

Комсомол қаддини тиклай олдими?

«НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?» («ЁШ ЛЕНИНЧИ» 1990 ЙИЛ 7 ИЮЛЬ) МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ

• Акс-садо • Акс-садо •

Исломжоннинг мақоласини ўқиб бўлгач, чуқур хаёлга толдим. Дарвоқе, нима қилмоқ керак?! Масаланинг илдизлари қаерда? Қандай қилганда турғунликнинг зилдай оғир юклари эгиб ташлаган комсомол қаддини тиклай олади?

Бу саволга жавоб излар эканман, кўз олдимга биринчи навбатда бир укамиз келди. Уни узундан-узоқ таърифлаб ўтиришим шарт эмасдир. Бир сўз билан айтганда комсомол деса, ўзини томдан ташлайдиган йигит. Йўқ, мен зиғирча ҳам қўшиб-чатаётганим йўқ. Комсомол ишлари ўша укамизнинг чинакам «хобби»си. Ҳозир у Беруний ноҳияси қишлоқларидан бирида клуб мудири бўлиб ишлайди. Қорақалпоғистон вилоят комсомол қўмитаси аъзоси. Бир марта мухтор жумҳурият телевидениеси орқали комсомол турмушининг «қайноқ» масалалари хусусида дурустгина гапларни айтган. Бир неча йил олдин Беруний ноҳия рўзномасида ишлаганимда у хонамга кириб келди-да:

— Салом, Янгибой ака! Машина керак, машина? — деди. Икковимиз тез-тез ҳазиллашиб турардик, мен ҳам бўш келмадим:

— Бўлажак келинни Султонвайс тоғларига сайр қилдириб келмоқчимисиз?!

— Йўқ, ака! Ишга киришим учун машина зарур. Ноҳия комсомол қўмитасига ишга кирмоқчи эдим. «Бизда шахсий машинаси йўқ одамнинг ишлаши жуда қийин бўлади!» дейишди...

Ўйлайманки, бу ўринда ҳеч қандай изоҳ ва шарҳга ўрин йўқ. Бир томондан ўшанда укамиз тегишли маълумотга эга ҳам эмас эди. Лекин гап бунда эмас. Гап шундаки, мазкур воқеа комсомолдаги вазиятнинг бир жиҳатини ўзида акс эттиради. Демак, комсомолнинг моддий аҳволи, молиявий базаси тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Токи у иқтисодий жиҳатдан тўла-тўкис мустақил бўлсин. Бунга қандай эришиш мумкин? Бу саволга жавоб бериш учун комсомолнинг вазифаларига бир оғиз тўхталиб ўтмоқ керак. Мен барча комсомол ташкилотларининг полизига тош отмоқчи эмасман. Лекин бир қанча ташкилотларда иш аъзолик бадали йиғиш, гоҳ-гоҳ номига йиғилиш ўтказишдангина иборат. Мактаб комсомол ташкилоти ўз аъзоларининг дарсдан сўнг нима қилиши билан иши йўқ. Бўш вақтини сигарета чекиш билан ўтказадими, хуфёна жойларда ҳаёсиз фильмлар томоша қиладими ёки пана-панада вино ичадими, майда ҳуқуқбузарлик билан шуғулланадими? Жамоа, давлат хўжаликларининг аксарият комсомол ташкилотларида-чи? Йилига бир ёки икки марта «Балли, қизлар!» ва «Иқбол» конкурси ўтса, бас — олам гулистон!

Янглишмасам, Россия Федерациясида айрим комсомол ташкилотлари иқтисодий жиҳатдан тўла-тўкис мустақил бўлиб олишган. Бизда ҳам шундай имконият борми? Мана, Исломжон ўз мақоласида шаҳарлардаги ташкилотларнинг ҳар хил ширкатлар, ёшлар марказлари, видеоклублар, хўжалик ҳисобидаги корхоналардан фойда олаётганлигини ёзибди. Тўғри, хўш, қишлоқ комсомоли нима қилсин?!

Бунинг йўли бор, менимча. Чин маънодаги комсомол-ёшлар жамоаларини тузиш керак. Улар тўла ижара муносабатларига ўтишлари лозим. Шунда ёшлар тузуккина маош олиш билан бир қаторда ўзларининг умумий ишлари учун етарли миқдорда маблағ ҳам йиға оладилар. Бора-бора зарур биноларни қуриш, бошқа масканларни яратиш учун ҳам имконият яратилади. Ижаранинг афзаллиги тўғрисидаги фикрим қуруқ бўлмаслиги учун мисол келтирай. Бизнинг Элликқалъа ноҳиямиздаги «Қирққиз» номли давлат хўжалигида ажойиб йигит, ноҳия кенгаши депутати Озоджон Тангриберганов раҳбар ижарачилар жамоаси бор. Ўтган йили улар 280 гектар ерни ижарага олдилар. «Қирққиз» ерлари жуда оғир шароитли далалар. Шундай мураккаб шароитларда ижарачилар давлатга 613 тонна пахта сотдилар. Сотилган пахтадан 433456 сўм даромад олинди. Харажатлар 166245 сўмни, маошлар 123235 сўмни, йил охиридаги қўшимча ҳақ 135550 сўмни ташкил этди.

Ўйлаб кўрайлик: агар комсомол-ёшлар жамоаси шу тарзда 100—150 гектар ерни айтайлик, 20 йилга ижарага олса 4-5 йилда қаддини тиклаб олмайдими? Албатта, тиклайди. Ижара ҳақидан ташқари даромадларини ўз хоҳиш-иродалари асосида тақсимлашади. Керак бўлса, қурилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишади.

Хуллас, қайси жиҳатини олиб қараманг, «Нима қилмоқ керак?» мақоласининг муаллифи таъкидлаганидек, ҳамма гап иқтисодиётга бориб тақалади. Яна бир бор қайтаришга тўғри келади: комсомол ўзининг иқтисодий, молиявий базасини ўзи фаолият кўрсатиши мумкин бўлган даражага етказиши шарт. Акс ҳолда ҳалигидай иштиёқманд йигитлар «машинаси йўқлиги учун» комсомол аппарати остонасидан узоқда юраверади.

Иккинчидан, хўжаликлардаги комсомол ходимлари тобелик қисматидан қутилолмай, ҳозирги оғир вазият чангалида қолаверадилар. Орамизда катта нуфузга эга хўжалик комсомол котиблари оз эмасдир. Аммо, мени кечирсинлару, кўпчилик комсомол қўмитаси котиблари хўжалик раислари ёки директорларининг чизган чизиғидан чиқмайдилар. Раис «Ҳой, бола! Оёғингни қўлингга олиб меҳмонхонага чоп. Агропромдан меҳмонлар келяпти. Овқатларни тузукроқ пиширишсин. Ўзинг хизмат қиласан. Бугун партком котиби бир жойга кетган. Хуллас, уялтириб қўйма!» дейди. Директор «Оғайни, райком бюросида дағал хашак масаласи бўйича қаттиқ сўрадилар. 10—15 комсомолларингни олиб қирга чиқ. 15 кунча ўша ёқда ётиб хашак йиғинглар. Бу жиддий топшириқ, ука. Яна ойликни райком комсомолдан оламан, деб ишга совуққон муносабатда бўлиб юрма. Мана, кичик бўлса ҳам хона бериб қўйибмиз. Ҳар куни тагингда битта машина. Марш, ишга!» дейди.

Мен бу гапларни тўқиб чиқараётганим йўқ. Ҳамма жойда ҳам шундай эмасдир. Лекин бир қанча жойларда шу йўсиндаги муносабатлар мавжуд.

Ҳақиқатан ҳам фикр юритаётган мавзуимиз силлиқ мавзу эмас. Бу йўналишда қатор-қатор чигалликлар бор. 1980 йили мен қишлоққа қайтиб ноҳия рўзномасида иш бошлаган кезимда бир ўртоқнинг туғилган кунини нишонлаш кечасида қатнашган эдим. Кеча қатнашчилари асосан комсомол ходимларидан иборат эди. Гапдан-гап чиқиб бир комсомол ходими: — Ўтган ойда 200 сўм маош олдиму, келган меҳмонларни кутишга 600 сўмим кетибти! — деб қолди.

— Унда бола-чақани қандай боқасиз! — дебман ҳайрон бўлиб. Ўтирганлар мийиғида кулиб қўйишди. Ташқарига чиққанимиздан сўнг самимий бир йигит билан анча жойга пиёда кетдик. Шунда у деди:

— Соддасиз-да, Янгибой ака. Ҳалиги гапингизни қаранг. Қишлоққа кеча келдингиз. Сиз ҳали Тошкент иқлими билан яшаб юрибсиз. У ерда чиқарган мақолангиз, босилган шеърингиз ҳақига пиво ичардингиз. Тўғрими? Бу ерда ҳаёт бошқачароқ. Ҳалиги йигит давлат хўжалиги директорининг ўғли. Ҳеч нарсага зор эмас. Комсомол унга «трамплин» сифатида керак. Тез орада у райком комсомолга иккинчи котиб бўлади. Сўнг ноҳия фирқа қўмитасига инструктор, кейин олий фирқа мактаби... Хуллас, манзил аниқ! Эҳ-ҳе, нимасини айтасиз...

10 йил аввал бўлиб ўтган ана шу суҳбат кечагидек эсимда. Бу мақолани ўқиб ўша суҳбатдошим қандай хаёлларга борар экан? 10 йил давомида унинг ғоялари ўша-ўшалигича қолдими? Билмадим. Фақат бир нарсани айтай: мен бу фикрларни келтириш билан бирор комсомол ходимини ерга урмоқчи эмасман. Кейинги даврда комсомол ишида жонланиш бор. Мустақиллик ҳам аста-секин кўзга ташланмоқда. Аммо у бутунлай қаддини тиклаб олдими? Менимча, йўқ. Қаддини тиклаши учун нима қилмоқ керак?

Ислом Ҳамронинг куйинчаклик билан ёзган мақоласида ана шу саволга маълум маънода жавоб бор. Ушбу сатрлар муаллифи ҳам бир-икки гапириб фикрларини ўртага ташлашга уриниб кўрди. Кўпчилик бўлиб фикр юритиб мазкур саволга амалий жавоблар беришга ҳаракат қилайлик. Токи сиёсий тузимимиз ислоҳоти комсомолни ҳам янгиласин, тетик, мустақил, эркин, ҳур фикрли, бардам ва бақувват ташкилотга айлантирсин.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
Журналист, халқ депутатлари Элликқалъа ноҳия кенгашининг катта референти. Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти.



Иштихон ноҳиясидаги Фрунзе номли жамоа хўжалигида Самарқанд шаҳридаги «8 Март» тикувчилик фабрикасининг филиали фойдаланишга топширилганига ҳам ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Демак, чеварxона ишчи ва мутахассислари учун ҳали ҳамма нарса олдинда: қолоқлик ҳам, ғолиблик ҳам. Аммо ўйлаймизки, бошқа корхоналар сингари илғорликни қўлдан беришмайди. Чунки бу ерда 400 нафардан ортиқ хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

Ҳозир бу ерда болалар учун қишки курткалар тикилмоқда.

СУРАТДА: филиалнинг 2-бригадасида иш жараёни.
Сураткаш: Т. ДАВЛАТОВ.

ВАЛЮТАГА САВДО

ССCР Вазирлар Кенгаши СССР ҳудудида чет эл валютасига чакана савдо қилиш ва хизмат кўрсатишни такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилди, бу қарор шу йилнинг 1 августидан кучга киради. СССР Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, СССР Вазирлар Кенгаши давлат ташқи иқтисодий комиссиясининг раиси С. А. Ситарян Москвада матбуот ходимлари билан бўлган суҳбатда шуни хабар қилди.

Мазкур ҳужжатга биноан, мамлакатда савдо уйлари ва фирма магазинлари барпо этилади, валютаси бўлган совет корхоналари, ташкилотлари, шунингдек, фуқаролари чет эл ва совет юқори сифатли молларини сотиб олишлари мумкин бўлади.

С. А. Ситарян кейинги вақтларда корхоналарнинг ҳисоб варақаларида валюта маблағларининг кўпайиши тамойили бошланганини, бу маблағлар ходимларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга ишлатилаётганини уқтириб ўтди. Бундан ташқари, фуқароларнинг ҳисоб варақаларида чет эл валютасида 200 миллион сўмга яқин пул бор, бу пулни улар «Внешпосилторг» магазинларидагина чекланган турдаги молларни сотиб олишга сарфлашлари мумкин. Баъзи тоифа аҳолида ҳам нақд валюта бўлиб, мавжуд қонунларга кўра уни СССР ҳудудида сарфлаб бўлмайди. Валюта учун чакана савдо ва хизмат кўрсатиш тармоғини ташкил этишда мана шу уччала манба, шунингдек, Совет Иттифоқидаги ажнабий фуқароларнинг валюта маблағлари давлатга анчагина тушум бериши, ажнабий валютанинг чет элга олиб кетилишини камайтириши мумкин.

Г. МЕЙЗЕРОВ,
ТАСС мухбири.

Янги рўзнома

КАСАБА уюшмалари Хоразм вилоят кенгашининг органи бўлмиш «Мулоқот» рўзномасининг биринчи сони чиқди. У ҳафтада бир марта, беш минг нусха нашр этилади. Рўзномани касаба уюшмаси ходимларининг ўзлари ва журналистлар тайёрламоқдалар.

Янги нашр энг оммавий жамоат ташкилотларидан бирининг ҳаётини ҳар томонлама акс эттиради, касаба уюшмалари ишидаги илғор тажрибаларни кўрсатиб беради ва тарғиб этади, вилоят касаба уюшмалари ташкилотларида қайта қуришни жадаллаштиришга кўмаклашади. Шу муносабат билан янги рўзноманинг сарлавҳалари диққатга сазовор: «Ишчи назорати фаолиятидан», «Сўранг — жавоб берамиз», «Рационализаторлар ва ихтирочилар клуби», «Сўз — муштарийларга» ва бошқа бош лавҳалар остида қизиқарли хабарлар берилган.

Қаршида телестудия бўлади

ҚАРШИДА вилоят телестудия биноси қурилиши бошланди. Ҳозир ишлаб турган радио уйи билан янги маданият ва истироҳат боғи ўртасида қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Қашқадарё қурилиш тресги бинокорлари тўрт миллион сўм капитал маблағни ўзлаштириб, икки йил ичида бинони қуриб битказишлари керак.

Телестудия марказий ва жумҳурият телестудиясининг бу ерда олиб эшиттириладиган кўрсатувлари сифатини яхшилайди.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳридаги йирик молни саноат асосида бўрдоқига боқиш хўжаликлараро чорвачилик комплекси меҳнатчилари шу кунгача давлатга 30 минг тонна гўшт топшириб, беш йиллик планни ошириб адо этдилар. Бу белгиланганидан 500 тонна кўпдир. Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни ўртача 600 килограммни ташкил этди. Ўтган тўрт ярим йил мобайнида 35,5 миллион сўм соф фойда олинди. Шариф Оролов бошлиқ бригада, айниқса, юксак кўрсаткичга эришди. Бригада 4446 бош молнинг ҳар бирини 625 килограммгача семиртириб гўштга топширди. Юсуф Ортиқов звеносида эса бу кўрсаткич 636 килограммга етди.

— Шу йилнинг олти ойи мобайнида йиллик план миқдорида, яъни 4935 тонна гўшт тайёрладик, — дейди комплекс бош директори Р. Ж. Агабабян. — Ҳозирда комплексда 25 минг бош мол боқиляпти. Йил охиригача яна 2100 тонна гўшт топшириш учун астойдил меҳнат қиляпмиз. Ем-хашак етарли. 1990 йилда 44,5 минг тонна ем-хашак жамғаришимиз белгиланган эди. Ҳозирдаёқ 45 минг тоннадан ортиқроқ озуқа тўпладик. Комплексимизда 6 минг гектар майдонда ем-хашак етиштирилаяпти. Ҳозир ҳар бош мол бир кеча-кундузда 850 граммга семираяпти. Бу кўрсаткични 1200 граммга етказишга эришмоқчимиз.

Т. АЛИМОВ,

Табиат ва биз

Бечора бўзчи...

Юмуртов қасабаси шундоқ дарё ён бағрида жойлашган. Қачонлардир сўлимгина гўша эди. Дов-дарахтлари, боғроғлари бўларди. Тирикчилик дарё билан боғлиқ — вақтида балиқ овлашган, деҳқончилик қилишган. Ҳозир-чи? Тараққиёт бу гўшага ўзининг залворли одимини ташлаганига кўп бўлгани йўқ. Дастлабки заводлар қурилган пайти қўлига озми-кўпми моянa теккан кишилар қувонишгани тўғридир. Заводлар навбатма-навбат қурилиб, атрофдаги борлиққа, табиатга зўравонлик ўтказа бошлангач, ич-ичларидан эзилишган. Аммо, ўтганни қайтариб бўлмайди. Муҳим қурилиш хом ашёси — шу ердаги ясси тоғ-тепалардан олинаётган тошга эҳтиёж ошган сари — атрофда яшаш муаммога айлана борди. Боғроғлар аллақачонлар қуриб битган. Бугунги кунда бир туп ниҳолни ўстиришни айтиб кўринг. Сув йўқ. Сув йўлини қазиб келтиришганда ҳам ниҳол унмайди — зовурлар қазилмаган. Ер дарров захлаб кетади. Майли, унинг ҳам бир йўлини қилишсин, лекин барибир муаммолигича қолаверади. Чунки, кичкина шу қасаба ҳудудида жойлашган тўртта тош майдалайдиган, битта силикат ғишт ишлаб чиқарадиган, тўққизта оҳак куйдириш ҳамда учта асфальт заводлари табиатнинг минг йиллик мувозанатини мажақлаб ташлашга улгурган.

Баҳор бошларида Юмуртовга йўлимиз тушди. Ҳамма ёқ чанг-тўзон, шовқин. Улкан ускуналар тоғни аёвсиз кемириб, машиналарга ортмоқда. Тош майдалайдиган завод яқинига йўлашингиз билан шовқин-сурон, чанг-тўзон икки ҳисса ошади. Оҳак куйдириш заводи чиқараётган заҳарли тутун атрофда қачонлардир мавжуд бўлган тирик табиатнинг бош кушандаси.

Буни ҳам қўя турайлик. Қасабада 370 ўринли мактаб, 90 ўринли болалар боғчаси бор. Шундоқ заводлар қуршовида, ёнида жойлашган. Асрий тоғ тошларини осонликча олиб бўлмайди. Ягона йўли — портлатиш. Айтишларича, ҳар сафар йигирма тоннагача портлатгич модда ишлатиларкан. Бу сабил қолгур минглаб куб метр тош-тупроқни ҳавога осмонга отади. Ҳосил бўлган чанг булути мактаб, боғча, турар жойлар устида бир соатча туриб қолади. Бечора болакайлар муаллимлари жўрлигида «Яшна Ватан, гул Ватан, сенга шараф-шон Ватан» қўшиғини куйлашаверади...

Қасабада икки мингдан ошиқ киши истиқомат қилади. Доимий ишсизлар сони икки юз нафардан ошиқ. 17 та завод бўлиб-а? Ҳа, шундай. Чунки, четдан келиб ишлаётганлар кўпчилик. Шу боис аҳоли ўртасида заводлар чиқараётган заҳарли тутун, чанг-тўзондан норозилик кайфияти баланд. Болаларининг келгуси тақдирини ўйлашади.

Ҳаво эндигина илиган, намгир баҳор пайти шу қадар чанг-тўзон экан, ёзнинг жазирамасида бечораларнинг ҳоли не кечади, деган фикр ўтди хаёлимиздан. Билолмадик.

Юмуртов қасабасидан дарё бўйигача чиқдик. Ингичка тортиб қолган Амударё соҳилида ҳали ўтмишнинг излари сақланган, табиат тирик. Бу ҳам вақтинчалиги, эрта-индин Оролнинг батамом ҳалокати ер юзидан бу тирикликни ҳам супуриб ташлашини ўйлаб яна ҳушимиз бошимиздан учди. Хомуш тортдик. Ҳеч бўлмаса шу кунда ўз ҳақ-ҳуқуқини тўла ололмаётган, белбоққа ёлчимаётган бўзчилар — юмуртовликларга таскин берадиган нима ҳам дея оламиз? Депутат бўлсакки, ваъдаларни тоғ каби уюб ташласак, ҳар қишлоқда коммунизм «қурсак»...

Дарё ташлаб кетган қайирда қадим Хоразм маданияти қолдиғи — Ғовур қалъаси вайроналари узоқ-узоқлардан кўзга ташланади. Улкан хароба. Қачонлардир бу ерда тараққиёт юқори чўққисига кўтарилган, эл, улус тўкин-сочин яшаган, Буюк Ипак йўли карвонлари қалъада қўним топишган... Кейин ўзаро босқинлар, сувсизлик, одамларнинг масъулиятсизлиги биргалашиб — ўлка инқирозга, қалъа вайронага юз тутган.

Юмуртов қасабаси биқинидаги қадим қалъа харобалари бу юртнинг келгуси тақдиридан огоҳ этаётгандай...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.
Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти.

Хориждан хабарлар

ТУҒИЛИШ КЎПАЙМОҚДА

БЕРН. **(ТАСС мухбири Евгений Козлов).** Статистика маълумотларидан баъзи мисоллар: урушдан кейинги даврда Швейцарияда туғилиш энг кўпайган вақт 1974 йилга тўғри келади. Ўша йили швейцарияликларнинг уйларида 84507 чақалоқ дунёга келган эди. Шундан кейин узоқ вақтгача туғилиш камайиб борди. Бунда ҳар йили 70 минг чақалоқ туғилди. Фақат 80-йиллар охирига бориб, чақалоқлар туғилиши барқарор кўпая бошлади. Ўтган йили 81180 бола туғилди.

Тобора кўпроқ ёш швейцарияликлар ўзларининг бахт тўғрисидаги тасаввурларини мансаб поғоналарига кўтарилиш, ёки моддий фаровонлик билангина эмас, болалар билан ҳам боғлашларига нима сабаб бўлди? Матбуотда таъкидланишича, бунинг сабаби Швейцария фуқаролари асосий қисмининг турмуш даражаси анча юқори эканлиги ва уларнинг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этилганликларида.


Яна бир омил бор. Бу психологик омилдир. Швейцарияда чиқадиган «Швейцар иллюстрирте» ҳафтаномаси ўтказган ёш ота-оналар фикрини сўраб билиш шуни кўрсатдики, уларнинг аксарият қисми ўзларининг бола кўришга ёки кўпроқ болали бўлишга қарор қилганликларини янги авлод масъулиятлироқ ва оқилроқ бўлади, деган умид билан боғламоқдалар.

ҚАПТАРГА ИШОНИБ, ЧУВ ТУШДИ

ВИНДХУК. (ТАСС). Намибиянинг Ораньемунд шаҳри одил суди хизматчилари анча мушкул аҳволга тушиб қолишди. Улар олмосларни ғайриқонуний йўл билан ташиган... почта кабутарини айбламоқдалар. «Қанотли қонунбузар» ғайриқонуний операциянинг асосий илҳомчиси бўлган ўз шериги — шаҳар почта бўлимининг бошлиғи билан «қора курсида ўтириш» тўғрисидаги суд талабини қондиришдан «бош тортди».

Ораньемунд полициячилари том маънода осмондан тушган омадга ҳали ҳам ишонгилари келмаяпти. Елкасига олмослар солинган ҳалтача боғлаб қўйилган почта кабутари афтидан, йўлдан адашган ва шу қимматбаҳо тошлар ўғирланган конга келиб қўнган. «Совға» нархини 4600 доллар деб баҳолаган корхона эгалари «қонунбузар»ни маъмурларга топширдилар. Маҳаллий изқуварлар уни қўйиб юбориб, фақат қайси каптархонага бориб қўнишини кузатишларига тўғри келди, холос. Маълум бўлишича, виждонсиз қуш ўз «қанотли шериги»дан бундай лақмаликни сира кутмаган почта бошлиғи яшайдиган уй-ҳовлисида истиқомат қилар экан.

Вазиятнинг ғайриоддийлигидан ва суд залидан чиқиб кетишга тўхтовсиз уринаётган кабутарнинг тинч ўтирмаслигидан боши айланиб қолган шаҳар судьяси ҳар икки судланувчини гаров эвазига озодликка чиқариб юборди.



Мен ирқчиликка қаршиман...

Қўлига овоз кучайтиргич ушлаган бу ғазабнок ёш йигит Американинг қора танли фуқароси, у ўзининг минглаб ўртоқлари билан Америкадаги олий маълумот олиш системасида пайдо бўлган ирқ ажратишга қарши чиқмоқда.

Бу сурат Остин (Техас штати) шаҳридаги талабаларнинг ирқчиликка қарши уюштирилган намойишида суратга олинган. Ҳозирги кунда Америка матбуоти ҳам ирқчилик муаммолари ҳақида кўплаб ёзмоқда.

ТАСС сурати.

ЧЕКИШГА ҚАРШИ КУРАШ КУЧАЙМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. **(ТАСС мухбири Борис Ситников).** Ҳозирги пайтда Американинг 46 штатида «Тамакига қарши курашувчи уюшма»лар тузилган. Уларни асосан давлат пул билан таъминламоқда. Бундай уюшмаларни ташкил қилиш федерал ҳукуматининг АҚШни 2000 йилга бориб «чекишдан холи жамият»га айлантириш борасидаги асосий куч-ғайратига айланди.

«Тамакига қарши курашувчи уюшма»лар одатда штатлар губернаторлари ёки штат соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарларининг буйруғига биноан ташкил қилинмоқда. Бундай уюшмаларда асосан давлат даволаш муассасаларининг вакиллари, шунингдек, шафқат ҳамшираларидан тортиб профессорларгача бўлган табобат ходимлари бирлашмоқда. Штат ва маҳаллий соғлиқни сақлаш ходимлари уюшмаси ўтказган тадқиқотга қараганда, штатлардаги 34 та «Тамакига қарши курашувчи уюшма»нинг фаолияти асосан аҳолини кашандалар саломатлиги қандай хавф остида қолишидан хабардор қилишга қаратилган, 25 та уюшма шундай фаолиятдан ташқари, яна Штатларда тамакига қарши қонун қабул қилиниши учун фаол иш олиб бормоқда.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

АРИЛАР УСТИДАН ҒАЛАБА

● ДАСТЛАБ 2 ёшли Цжан Жэвэй оғриқдан чинқираб юборди. Сўнг Сингапурнинг Анг мо Кио ноҳиясидаги уйлардан бири ҳовлисида ўйнаб юрган бошқа болалар дод-вой солишди. Шу атрофдаги катта одамлар ҳам оёқларини қўлларига олиб, қочиб қолишди.

Анг мо Кио ноҳияси аҳолисига узунлиги 2 сантиметр келадиган 6 мингтача Малая ёввойи ариси ҳужум қилган эди. Улар ўзларига уя қуриш учун одамлар яшайдиган 11 қаватли уйнинг томини танлашди.

Шошилинч равишда полиция чақирилди. Улар эса арилар тўдаси қаердалигини аниқлаб, ҳашаротларга қарши курашувчи махсус хизмат вакилларини чақиришди. Ярим соатлик «жанг»дан сўнг одамлар арилар устидан ғалаба қилдилар.

МИНУТИГА 25 МАРТА

● ЭКВАТОРДА жойлашган Риобомба шаҳрида эстрада раққос ва раққосаларининг ғаройиб кўриги бўлиб ўтди. Кўрикнинг шарти бўйича, улар ўйин қоидасини бузмагани ҳолда, бир минутда 4 мартадан 25 мартагача чирпирак бўлиб, айланиши керак эди.

Худди шу шарт бўйича Луиса Бранко билан Роберто де Эскотолар ғолиб чиқишди. Улар 32 минут давомида жуда катта тезликда айланиш билан бирга ўйин ритмини бузмай қойилмақом ўйнашди. «Цайт» рўзномасида ёзишларича, ўйин давомида бошлари ҳам гангиб кетмаган.

6 ЁШЛИ САЁҲАТЧИ

● БУНДАН бир неча кун аввал индонезиялик Линдри исмли 6 яшар қиз Ява оролидаги Саманга шаҳридан мамлакат пойтахтигача бўлган 550 километр масофани пиёда босиб ўтиш учун йўлга чиқди.

«Индонезиан обсервер» рўзномасининг таъкидлашича, Линдри ҳозирча мамлакатни яқиндан кўрмоқчи, улғайганда эса тайёра борт кузатувчиси бўлиб, ватанини осмону фалакдан томоша қилмоқчи.

Агар ҳозирги саёҳати муваффақиятли якунланса, пиёда юриш бўйича уч йил аввал ўзи ўрнатган болалар рекордини ўзи янгилайди. Ўшанда 512 километр масофани «ишғол» қилган эди.

Линдри ҳозир ҳар куни 20 километрдан йўл босмоқда. Шу ойнинг ўзидаёқ мамлакат пойтахти Жакартага етиб бормоқчи.

Дарвоқе, ҳайрон бўлманг тағин, 6 ёшли қиз ўзи қандай йўл топиб юрибди экан деб, уни отаси кузатиб бормоқда.



Таниқли драматург Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ талайгина пьесалар муаллифи сифатида китобхонларга яхши таниш. Унинг «Зўлдир», «Пуч» каби бир неча драмалари саҳналаштирилиб, томошабинлар эътиборини қозонган.

Қуйида биз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонига сазовор бўлган ва яқинда ярим асрлик юбилейини нишонлаган жонкуяр адибнинг янги публицистик мақоласини эълон қилмоқдамиз.

Абдуқаҳҳор **ИБРОҲИМОВ**

ЮРАКДАГИ ГАПЛАР

Мени кўпдан бери «Нима учун турғунлик ботқоғига ботиб қолдик (аслида таназзул ёқаси десак тўғри бўларди), бу ботқоқликка ким ёки кимлар етаклаб (судрабми) келди, аввал бошида хатолик қачон юз берди, ўттизинчи, эллигинчи йилларнинг қатағони билан турғунлик даврининг ўртасида боғланиш борми-йўқми?» деган мулоҳазалар ўйлантириб келарди. Яқинда бу саволларга ўзимча жавоб топгандек бўлдим: давлат бюджетидан маданият соҳасига ниҳоятда оз маблағ ажратилиб келибди. Масалан, ҳар бир совет кишиси ўрта ҳисобда кунига давлатга ўн сўм даромад келтирар экан, ўзи ҳам ўн сўмча пул олар экан. Давлатга келтирилган ана ўша ўн сўмдан маданият учун жон бошига атиги 1,7 тийин ажратиларкан. Қолган 9 сўму 98,3 тийини эса бошқа соҳаларга сарфланади. Бу 1,7 тийин билан маданиятни юксалтириш амри маҳол. Маданият соҳасида ҳам жиддий қайта қуриш бўлиши учун давлат бюджетини тақсимлашда узоқни кўзламоқ керак. Маданият учун хасислик қилиб бўлмайди, оқибати бутун жамият тараққиётига салбий таъсир этишини турғунлик даври исботлаб турибди.

Тарих бир марта яратилади, шунинг учун ҳам уни тарих деймиз-да. Шунга ўхшаш ҳақиқий асар ҳам (хоҳ у меъморий ёки тасвирий асар бўлсин, хоҳ у адабий ёки мусиқий асар бўлсин, барибир) фақат бир марта яратилади. Умуман, маданий-адабий ҳодисалар такрорланмасдир. Масалан, Тошкентдаги Бароқхон мадрасаси қурилганда яна бошқа иморатлар ҳам қад кўтаргани аниқ. Лекин санъат асари бўлмиш Бароқхон мадрасасигина бизгача етиб келган. Бинобарин, бизгача етиб келган маданий меросимизни — моддий ва маънавий мулкимизни рад этишга ҳаққимиз йўқ, қабул қилиб олишга мажбурмиз, агар қабул қилиб олмасак, ўтмиш бизни босиб ўтиб, йўлида давом этаверади. Яссавий, Навоий, Бобур, Машраблар мисоли бир азим дарёлардир. Улар 850 йил, 550 йил, 500 йил, 350 йилдан бери халқ турмуши сари оқиб, ёхуд нур таратиб келаётган эканлар, бундан кейин ҳам камида шунча йиллар нур таратиб юришларини қани ким рад эта олади? Бундан беш-тўрт йил аввал Бобурнинг зиё дарёсига тўғон солмоқчи бўлганларнинг ўзлари бу дарё оқимига дош беролмай «ғарқ» бўлдилар, маънавий маҳф этилдилар, эл назаридан қолдилар. Бу ҳол маданий меросимизга маломат тошларини отувчиларга ибрат бўлсин, токи ўшандайин нобакорликлар такрорланмасин. Афсуски, маданий ҳодисаларга менсимай қараш оқибатида кечирилмас ва қайтариб бўлмас нуқсонларга йўл қўйилди, минг-минглаб бегуноҳ зиёлилар нобуд қилинди, қўлёзмалар ёқилди, обидалар вайрон этилди, ҳозир ҳам кўплаб илм хазиналари бўлмиш қўлёзмалар маданий турмушимизга киритилмаяпти, қанчалаб осор-атиқаларимиз вайрон бўлиб ётибди, бундан хулоса чиқариб олайлик, яқин ўтмишдаги хатоликлар кўзимизни очсин, ибрат бўлсин, энди бундан буёғига эҳтиёт бўлайлик, дея жамоатчиликни ҳушёрликка чақирамиз.

Маълумки, маданий қатлам бир неча сантиметрдан тортиб то 30—35 метргача бўлиши мумкин. Халқимизнинг энг теран маданий қатламлари қадимги пойтахтларимиз ва йирик шаҳарларимиз бўлмиш Самарқанд, Бухоро, Урганч, Хива, Андижон, Тошкент, Қўқон, Қува, Косонсой ва бошқа ерлардадир. Масалан, Самарқандни олиб кўрайлик. Бу ердаги маданий қатлам 30—35 метргача етади, кўп асрлардан бери ҳаёт узлуксиз давом этиб келади. Берунийнинг ёзишича, Искандар Макдёний бостириб келишидан 15 аср илгари ҳам бу ерда туркий халқ яшаган, демак, Самарқанднинг ёши айрим тарихчилар айтганидек 2500 йил эмас, балки 3800 йилдир. Буни Самарқанд ерининг маданий қатлами тасдиқлаб турибди. Маданий қатламни ана шунинг учун ҳам билишимиз керакки, бу орқали халқимиз ёшини ва юртимиз тарихини аниқ белгилаб оламиз. Маҳмуд Қошғарий Самарқанд илгари «Семизкент», яъни бой ва катта шаҳар деб аталган, дейди. Хуллас, энг теран томирларимиз жойлашган — энг чуқур маданий қатлам ҳосил қилинган, қадим Туроннинг, ўрта асрлардаги Туркистоннинг пойтахти бўлиб келган Самарқанд 1924—1929 йилларда бўлгани каби яна жумҳуриятимизнинг пойтахти бўлиши тарихий жиҳатдан ҳам, жуғрофий ўрни жиҳатдан ҳам (жумҳуриятимизнинг қоқ марказида жойлашганини эсга олинг) асослидир. Ўзим туб тошкентлик бўлсамда, умуммиллат манфаатидан келиб чиқиб пойтахтимизни яна Самарқандга кўчиришни таклиф қиламан. Бу ерда Лениннинг Россия пойтахтини Петрограддан яна Москвага кўчириб келганини эслатишим жоиздир. Хўш, нима учун 200 йилдан ортиқ Россиянинг пойтахти бўлиб келган Санкт-Петербург (1913 йилдан Петроград) 1918 йилга келиб пойтахт бўлмай қолади. Чунки энг аввало рус халқининг, рус давлатининг чуқур маданий қатлами—теран томирлари Петроградда эмас, балки Москвададир. Москва марказлашган рус давлатига пойтахтлик қилган эди, рус миллати тарихидаги энг унутилмас воқеалар ҳам Москва билан боғлиқдир, Руснинг Русь бўлиб қаддини тиклаши ва довруғ қозонишида ҳал қилувчи ўрин тутган асосий ва кўпгина буюк сиймоларнинг хоки-туроблари ҳам Москва Кремлида ётади. Қолаверса, Москва бир четда эмас, Россиянинг қоқ марказидадир.

Москва Россия учун қандай ўрин тутса, Самарқанд, яъни Семизкент Туркистон учун ҳам шундай мавқега эгадир. Айрим ўқувчиларда муаллиф нима учун Ўзбекистон дейиш ўрнига Туркистон демоқда, деган савол туғилиши табиий. Менингча, эндиликда жумҳуриятимиз номини ўзгартиришни, яъни Турон ёки Туркистон дея илгариги тарихий номи билан аташни ҳам ўйлаб кўриш, умумхалқ муҳокамасига қўйиш лозим. Чунки юртимиз қадимдан асосан Турон, кейинроқ Туркистон деб аталиб келинган. Тўғри, XIV асрга оид адабиётларда, XV асрга доир Абдураззоқ Самарқандий китобларида, XVII асрда яшаган ватанпарвар шоир Турди Фароғийнинг шеърларида «Ўзбекия», «мамлакати Ўзбекия», «Ўзбекистон» деган атамалар ҳам учрайди. Агар жумҳуриятимизни Ўзбекистон деб атаб келаверсак, бу атама мазкур мамлакатда XV—XVI асрдан бошлаб халқимиз таркибига келиб қўшилган элдошларимизнинг ўзигагина тегишли бўлиб қолиши мумкин. Агар жумҳуриятимизни Турон ёки Туркистон деб илгариги номи билан атасак, юртимизда камида 3800 йилдан бери яшаб келаётган аждодларимизни ҳам унутмаган, уларни хотирга олиб, руҳини шод этган бўлур эдик. Жумҳуриятимизни Ўзбекистон деб аташимиз халқимизни кўп яшартириб, тарихимизни 33 асрга камайтириб қўймоқда, шунингдек ўзбек адабий тили, адабиётини тарихан «камбағаллаштириб», кўпгина адибларимизни четга чиқариб қўймоқда. Масалан, юртимиз Турон ёки Туркистон деб аталган кезларда яшаган Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Ҳофиз Хоразмий, Лутфий, Отойи, Қутб Хоразмий, Саккокийнинг тили бугунги адабий тилимизнинг худди ўзи-ку. Улар ўзларини туркий шоирлар, Турон ёки Туркистон фарзандлари деб аташган. Қолаверса, Алишер Навоийдан Бобургача, Исмоил Бухорийдан тортиб Мирзо Улуғбеккача ўзларини ўзбек деб атамаганлар, туркий халқ вакили деб билганлар.

Хуллас, жумҳуриятимизни Туркистон ёки Турон (булардан қай бирини танлаб олишни халқнинг ўзи овоз бериши йўли билан ҳал этажак) деб атасак, қадим ота-боболаримизга нисбатан ҳам адолатли иш қилган бўлур эдик. Ҳис этиб турибман, шу ўринда айримлар бу ерда туркий бўлмаган аҳоли ҳам яшайди-ку, дейишлари мумкин. Ундайларга жавобим шу: Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистонда ҳозир 49 миллион 200 минг киши яшайди. Буларнинг мутлақ кўпчилиги туркий халқлардир. Яқинда Олмаота шаҳрида Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистон жумҳуриятлари раҳбарларининг тарихий учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашув халқларимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Рус олими Бартольд ҳам, В. И. Ленин ҳам, бугунги шарқ классиги Чингиз Айтматов ҳам Туркистонимизни ўз оти билан Туркистон деб атаганлар ва атамоқдалар. Ҳамма гап шундаки, теран томирларимизни патак илдизларга айлантириб қўймасликдир. Пойтахтимиз яна асл Турон маркази Семизкент — Самарқандга кўчиришнинг руҳий кучи шундаки, бу масканда Улуғбек аждодлари ва авлодларининг хоки туроби ётадир, атрофида Исмоил Бухорий, Ҳожа Аҳрор каби уламою фузалолар мангу уйқуга чўмганлар, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби асл халқ фарзандларининг қадамлари етган тупроқдир бу ер.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтайки, Ўзбекистонда яшаётган халқлар орасида ўзбек халқи инқилоб йилларида ҳам, фуқаролар уруши, коллективлаштириш ва қатағон йилларида ҳам, уруш пайтида ҳам энг кўп ва кучли жафо чеккан элдир. Тарихан ўз давлатига эга бўлиб келган ҳар бир халқ бошида бор савдо бу, ҳамма-ҳамма масъулият унинг бошига тушади. Ҳозирги кунда жумҳуриятимизда яшаётган халқлар орасида энг қашшоғи ҳам ўзбеклар ва тожиклардир. Бунга бошқалар эмас, пахта яккаҳокимлиги, пахтанинг харид баҳосининг арзонлиги сабабдир. Мен ўрганиб чиқиб шу хулосага келдимки, жумхуриятимизда саноат ишчисининг, чорвадорнинг, боғбон ва сабзавоткорнинг турмуш даражаси пахтакорларникидан дурустроқдир. Бу факт. Шунинг учун халқимизнинг шундоқ ҳам сабр косаси тўлиб турган, миллатлараро муносабатлар таранглашган бир пайтда матбуотдаги муомала маданиятига қаттиқ риоя қилиниши шарт.

Кўраяпсизки, гап айланиб келиб тил маданиятига бориб тақалмоқда. Шу ўринда минбарларда ҳам, матбуотда ҳам тилга олинмаган, менимча, ҳали теша тегмаган бир ибора ва унинг келиб чиқиши ҳамда мазмуни хусусида тўхталаман. У ҳам бўлса «русскоязичное население», яъни рус тилида гаплашувчи аҳоли, деган ибoрадир. «Русскоязичное население... Эстонии... Латвии... Литви... Молдавии... Грузии... Азербайджана... Туркмении... Таджикистана... Узбекистана... Киргизии... Казахстана...» деган гапни тез-тез эшитамиз ва ўзимиз ҳам ишлатамиз. Хўш, рус тилида гаплашувчи аҳоли деган ибора қачондан бошлаб ва қаерларда пайдо бўлди? Нега юзага келган? Атайин юзага келтирилганми? Ёки ўз-ўзидан вужудга келиб қолганми? Илдизи қаерга бориб тақалади? Моҳияти нимада? Ижобий ҳолми ёки салбийми?

Маълумки, рус тилида гаплашувчи аҳоли, табиийки, рус халқининг ва бошқа эл ҳамда элатларнинг вакилларидир. Хўш, рус тилида гаплашувчи аҳолининг қанча қисми рус халқининг вакили, қанча қисми бошқа эл ва элатларнинг вакиллари? Ана шу бошқа эл ва элатларнинг вакиллари яқин йилларда бутунлай руслашиб кетадиларми? Ёки яна ўз она тилларини ўрганиб, ўз миллатларига тўла қайтадиларми? Бундай шароитни қачон ва қаерда яратиш мумкин? (Менинг шахсий кузатишим хулосасига кўра, рус тилида гаплашувчи аҳоли асосан икки тоифага бўлиниб, кўпчилик қисми ишда ҳам, кўчада ҳам, уйда ҳам рус тилида гаплашадилар, озчилик қисми ишда ва кўчада русча гаплашиб, уйда эса ўз она тилида ҳам гаплашиб қўядилар).

Мен тил муаммоларига доир масалаларни ўрганар эканман, Ўзбекистондаги рус тилида сўзлашувчи аҳолининг рус миллатига мансуб бўлмаган қисмини шундай туркумладим: 1. Қатағон йиллари ўз ватанларидан сургун қилинган қрим-татар, месхетиялик туркларнинг жуда озгина, асосан йирик шаҳарларда яшовчи қисми; бу халқларнинг мутлақ кўпчилиги ўз она тилида сўзлашади, ўзбек тилини ҳам яхши билади. 2. Узоқ Шарқдан ҳайдаб келтирилган корейслар (буларнинг асосий қисми рус тилида гаплашади, рус мактабларида ўқишади, улар орасида қишлоқда яшовчиларидан ўзбек тилини биладиганлари ҳам топилади). 3. 20-йиллардаги очарчилик туфайли Волгабўйидан тирикчилик ғамида келиб қолган татарлар, бошқирдлар. 4. Уруш бошларида жон сақлаб қолиш ниятида келиб қолган яҳудийлар, украинлар, белоруслар. 5. 1966 йилги Тошкент зилзиласи баҳона олиб келинган ёки ўзи оқиб келган қурама аҳоли. 6. Бутуниттифоқ идораларига тегишли корхоналар маъмурияти СССРнинг турли бурчакларидан кўчириб келтириб, квартира билан таъминлаган турли миллат ва элатларнинг вакиллари.

Буни қарангки, Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда бунёд бўлган янги шаҳарлар — Чирчиқ, Олмалиқ, Гулистон, Ширин, Ангрен, Зарафшон, Навоий шаҳарлари асосан рус аҳолиси ва рус тилида гапирувчи аҳоли яшайдиган шаҳарлар бўлиб қолибди, шунингдек, қадимий шаҳарларнинг янги қурилган қисмлари, масалан, Тошкентда— Чилонзор, Фарғонада — Қирғули, Самарқандда — Сўғдиёна массивларида асосан руслар ва рус тилида гапирувчи аҳоли яшайди. Кўринадики, саноат районлари рус тилида гаплашувчи қурама аҳолининг асосий маконлари экан.

Менинг фикримча, масалан, Россияда руслардан ташқари рус тилида гаплашувчи аҳоли бўлса, ёки бўлмаса, Украинада украинлардан ташқари украинча гаплашувчи аҳоли бўлса, Ўзбекистонда ўзбеклардан ташқари ўзбек тилида гаплашувчи аҳоли бўлса, Тожикистонда тожиклардан ташқари тожикча гаплашувчи аҳоли бўлса, бу табиий ҳолдир. Чунки Россияда рус тилини билиш руслар учун ҳам, бошқалар учун ҳам зарур. Бунинг зарурати бор. Лекин бошқа иттифоқдош жумҳуриятларда рус бўлмаган аҳолининг (масалан, Ўзбекистондаги Қозон ва Уфа татарларининг) ўз она тилида эмас, ўша жумҳуриятнинг давлат тилида ҳам эмас, балки фақат рус тилида гаплашишини ғайритабиий бир ҳол деб биламан. Чунки биз азалдан турк халқлари бўлиб, бир-биримизни яхши тушунамиз.

Турғунликка етаклаб келган гуноҳкор шахсларнинг аксарият қисми ўз она тилини, ўз миллатини унутган шахслар эканини бугунги кунда матбуотдан билиб турибмиз. Бугун бу ерда, эртага у ерда яшаб кетаверадиган, оз ишлаб, кўп тишлайдиган кимсалар билан қайта қуришни амалга ошириб бўлмайди. Тил инсонни одамларга боғлаши билан бирга она заминга ҳам боғлаб туради. Тил маданияти аслида ана шу боғлиқлик бўлса ажаб эмас. Жойдан жойга кўчиб юрувчи кимсалар рус тилига азбаройи севгани ёки ҳурмат қилганидан эмас, балки унга тирикчилик воситаси сифатида қарайди. Аслида рус тилида гаплашувчи аҳолининг рус бўлмаган қисми учун, яъни ўз она тилини унутганлар учун ва уларни шу ҳолга солганлар учун уят бўлмоғи лозим. Сталинчилик даврида ватанидан жудо қилинганлар тилларини унутиб қўйган бўлсалар, улар айбдор эмас, уларни шу кўйга солганлар айбдор.

Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақидаги қонунига мўътабар минбарлару катта рўзномалар саҳифаларидан ҳужум қилиб, ўз маданиятсизликларини кўрсатиб қўяётган шахслар ҳам учрамоқда. Фикримнинг исботи учун бир мисол келтирай. Шу йилнинг 6 февраль куни Ўзбекистон театрлари иккинчи анжуманининг якуний мажлисида мен Тил қонунига биноан зал синхрон таржима воситаси билан таъминланмаганига афсусланиб, бундан буёғига Давлат тили ҳақидаги қонунга қатъий амал қилишга чақирган эдим. Шунда режиссёр М. Вайль дарҳол сўз олиб, ўзбек спектаклига баҳо бериш, учун ўзбек тилини билиш шарт эмас, бошқа жиҳатларига қараб спектаклга баҳо бераверишкерак, деди. Ваҳоланки, драматик асарда адабий матн асосдир. Тил билмай кўрилган спектакль пантомима даражасида таъсир кўрсата олади, холос. Бу исбот талаб қилмайдиган оддий ҳақиқатдир. Лекин унинг гапига қулоқ солиб ўтирган Театр арбоблари уюшмасининг раҳбарлари ва масъул ходимлари ҳам муносабат билдирмадилар. Афтидан, улар ҳам Давлат тили ҳақида қонун қабул қилинганига бефарқ қараётгандирлар ёки бўлмаса ушбу қонуннинг 27-моддасига биноан Ўзбекистон ССРда давлат тилига ва бошқа тилларга менсимай ёки хусумат билан қараш таъқиқланишини билмасмикинлар. Айтгандай, Ёзувчилар уюшмасидан бошқа барча ижодий уюшмаларда бўлганидек, Ўзбекистон ССР Театр арбоблари уюшмасида ҳам ўзбек тили ҳамон деярли қўлланилмайди. Яна бунинг устига бу уюшмада ўзбекча биладиган масъул ёки оддий ходимни топиш амри маҳол. Халқ дилини биламан деган одам унинг тилини билмоғи шарт. Буям оддий маданият белгиларидандир.

Мен юқорида тилга олган кишисингариларнинг «фикри» фақат бинолар ичидагина, минбарлардагина айтилса, баҳарнав эди-я, эндиликда матбуот саҳифаларидан ҳам айтилаётгани бизни ташвишга солади. Бу фикрга ҳам бир мисол келтирай: «Правда Востока» рўзномасининг шу йилги 15 февраль сонида И. Фиолетова имзоси билан берилган материалда Ўзбекистон ССР халқ артисти, қорақалпоқ режиссёри Қ. Абдураимовнинг театршуносларга қарата айтган «Халқни билиш керак», «Халқ тилини билиш керак» деган чақириғига нисбатан беҳурматларча тил билиш шарт эмас, деган фикр илгари сурилади. Бу Вайлнинг минбардан туриб айтган фикрининг айни ўзи. Кўраяпсизки, ҳамма кўзга кўринмас иплар бир тугунга, бир калавага бориб тақалаяпти — Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили қонунига зид борувчилар уюшиб иш тутмоқдалар. Бунга сукут сақлаб қараб туриб бўлмайди. Қонунни менсимовчиларга шу қонуннинг 27-моддасини қўллаш йўли билан курашиш лозим. Буям оддий маданият белгиларидандир.

Кези келганда шу фикрни ҳам айтиб ўтиш лозимки, умуман ўзбек маданияти, хусусан ўзбек санъати ҳақида мулоҳаза юритиш, муайян бирор асарга баҳо бериш учун мутахассисга юридик ҳуқуқ берадиган дипломидан ташқари маънавий ҳуқуқи ҳам бўлиши керак. Бу маънавий ҳуқуққа халқ тарихи ва турмушини, тили ва урф-одатларини билиш, орзу-умидларига тилакдош, дардига дардкаш бўлиш орқали эришилади.

«Правда Востока» бурноғи ва ўтган йили ўзбек халқи бу диёрга ўрта асрларда келиб қолган, Темурнинг ўзбек халқига ва тарихига сираям алоқаси йўқ, деган пала-партиш гапларни бир неча марта ёзганди. Рўзнома яқинда яна бир «кашфиёт» қилди. С. Фролова (ЎзТАГ мухбири) имзоси билан шу рўзноманинг 1990 йил 16 февралида чиққан материалда ёзилишича, Бухоро яҳудийлари Ўрта Осиёда милоддгача бўлган 1 асрдан бери яшаб келаётган эмиш. Аслида эса милодий XVI асрнинг иккинчи ярмида ўзбек хони Абдуллахон Иккинчи ҳукмронлиги йилларида ҳинд, хитой, тибет, арман, табриз, рум савдогарлари қаторида яҳудий савдогарлари ҳам Бухорога келиб-кетиб турган, айрим оилалар узоқроқ турган пайтлар ҳам бўлган. Лекин яҳудийлар ҳеч қачон Бухоронинг фуқароси бўлмаганлар, бунга руҳонийлар йўл қўйишмаган, балки жуда кам сонли майда миллат сифатида жамоа бўлиб яшашига рухсат этилган, кўчаларда зуннор-рангли тизимча тақиб юриш мажбурий эди. Қўқон хонлиги ҳудудида эса яҳудий жамоаси илк бор XIX асрнинг иккинчи ярмида, яъни Худоёрхон учинчи марта Қўқон тахтига чиқиб, мамлакат хазинаси тугаб қолган бир пайтда яҳудий савдогарлари катта олтин эвазига хонлик ҳудудида яшаш ва савдо қилишга эришадилар. Қўқондаги ўлкани ўрганиш музейида ва Ленинграднинг Эрмитажида бу ҳақдаги маълумотлар бор. Бу гапларни шунинг учун ҳам айтаяпманки, асл манбадан бехабар муштарийлар бухоро яҳудийлари ўзбеклардан ҳам илгари Ўзбекистонда яшаб келаётган халқ экан, деган чалкаш хулосаларга бормоқдалар. Ваҳоланки, бу рўзномани асосан ўзбек халқи тарихини яқиндан билмаган муштарийлар, иттифоқдош жумҳуриятларнинг аҳолиси ўқийди. Тарихни сохталаштирмай айтиш ҳам оддий маданият, лекин ана шу оддий маданиятлар йиғилиб, катта маданиятни ташкил этади.

Тарбияловчи аввало ўзи тарбия кўрган бўлиши керак, деган гап бор. Демак, маданият ходими аввало ўзиям маданиятли бўлиши керак. Бутун бошли жумҳурият Маданият вазирлигида ёки бўлмаса Ўзбекистон санъатшунослик институтида бор-йўғи беш-олти кишигина ўзбек тилини билишини қандай изоҳлаш мумкин, ахир? Бу оддий маданиятлиликка кирадими ёки оддий маданиятсизликка кирадими? Бу саволимизга ўша жойларда ишловчи, лекин давлат тилини билмовчи кишилар жавоб берсалар қани энди?! Менинг фикримча, Тил ҳақидаги қонунни аввало Маданият, Маориф, Олий таълим вазирликлари, Матбуот давлат қўмитаси ва уларнинг жойлардаги ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва уларнинг жойлардаги бўлимлари, киностудиялар, олий ўқув юртлари, Фанлар академияси ва унинг институтлари босқичма-босқич амалга оширсалар, айни муддао бўларди. Оддий маданиятлилик шуни тақозо этади.



Ёшлигингда ўйнаб-кулганга не етсин? Бу фаслда кўзингга ҳамма нарса гўзал кўринаверади. Яхшию-ёмонни фарқламайсан ҳам. Энг ширин, энг ажойиб, энг гўзал дамларни улғая борганинг сайин соғинасан. Лекин у ҳеч қачон қайтиб келмайди...



Узр, ушбу сурат балки сизнинг кўнглингизда бошқача кайфият уйғотар. Ноилож, ўзбеклар бекорга айтишмаган: «Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ!» деб. Бундай суратлар ҳар куни босилади. Баъзан бировлар «Нима кераги бор чиқариб, одамлар гапиришяпти» деб ҳам эътироз билдириб қолишади. Йўқ, ҳар кимники ўзига... Майли сизубиз ҳеч бўлмаганда бошқалардан қандай кийим-кечакларни кийиш керагу, қайсиларини мутлақо киймасликни ўрганармиз. Лекин бизнинг Шарқ халқлари ҳар кимга ҳам эргашавермайди...



...Уларни ким деб аташни ҳам билмаймиз. «Келгинди», «дайди», «дарбадар». Бундайларни темир йўл, тайёрагоҳ вокзалларида, миршабхоналар эшикларида учратсангиз асло ажабланманг. Негаки, бу тоифадаги «учар»ларнинг яшаш жойи номаълум, мамлакатнинг у бурчидан бу бурчигача дайдиб юрадилар.

СУРАТДА: Тошкентга ташриф буюрган «кутилмаган меҳмонлар»дан бири билан суҳбат.

В. БУШУХИН, В. ХРИСТОФОРОВ,
В. МИЛЕНЬКИНлар суратга олишган.
(ТАСС суратлавҳаси)

Кашшофлар ёзи

Яхши кунга умид яхши!

Ёз мавсуми бошланганда кашшофлар лагерини эслаймиз. Қолган мавсумларда деярли бу ҳақда гапирмаймиз ҳам. Балким, бунга лагерларга фақат ёзда борилгани сабабдир?

Асли ҳам гап шунда. Биз жуда кўп нарсаларга вақтинча ҳомийлик билан муносабатда бўламиз. Талаб қилинганда «мана» деб дастак қилиб тутқазиш илинжи кучлилик қилади.

Болаларнинг дам олиш мавсумига тайёргарлик ишлари биз ўйлагандан сал олдинроқ бошланади. Лагерь атрофини тартибга солиш, асбоб-ускуналарни келтириш дегандай... Ҳар йили шу аҳвол такрорланади. 3 ой эгалари бўлган лагерлар қолган вақтлари ҳувиллаб, хоҳлаган кишининг иккиланмай ташриф буюрадиган манзилгоҳига айланиб қолаверади.



Қизилтепа ноҳиясидаги кашшофлар уйида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. У ерга янгиликка, ижодкорона ишларга интилувчан Шокир Ҳабибов раҳбарлик қилади. Шокир Ҳабибов ноҳиядаги «Ёш ленинчи» жамоа хўжалигида ташкил этилган «Нимкон» кашшофлар лагерининг бошлиғи. У киши билан суҳбатлашиб, анчадан бери йўқотган нарсамни топгандай бўлдим.

— Мавсумий лагерлар ташкил қилинишига қаршиман, — дейди Шокир ака. — Уч ой фаолият кўрсатадиган жой апил-тапил таъмирланади, жиҳозланади. Албатта, мослаштирилиб. Бу лагерларнинг ҳар йили турли жойларда ташкил қилиниши ҳам бор. Дам олиш мавсумидан кейин эса ҳаммаси унутилади. Мебелларни кимдир авайлаб асрайди, кимдир тўғри келган жойга ташлайди: «Келгуси йилгача бир гап бўлар. Мен ишлайманми ё йўқ.». Қарабсизки, лагерларда йил давомида қилинган таъмирдан асар ҳам қолмайди.

Хўш, бу фикрлардан мақсад нима? Бутуниттифоқ «Артек» кашшофлар лагерига боришни қайси ўқувчи орзу қилмайди дейсиз. Лекин нима учун Ўзбекистонда ана шундай лагерь ташкил этиш мумкин эмас?

«Артек» йўлланмасини оддий меҳнаткашнинг чўнтаги кўтармаслиги барчага аён. Ноҳияларга борганимизда «Артек»ка ўқувчи тополмай юрган комсомол ходимларини кўп учратганман. Ахир «Артек»боп ўқувчи ҳар қадамда йўқ-да. Яхши ўқиганнинг шароити келишмайди. Шароити бор рус тилини яхши билмайди.

Ўзбекистонда ҳам доимий фаолият кўрсатадиган лагерь ташкил этиш керак. У ердаги шароитлар «Артек»дагидек бўлмасада, имкониятга қараб тайёрланиши керак. У ерга фақат соғлом эмас, нимжон болалар ҳам борсин. У ерда дам олиб, ўқиб, саломатлигини тикласин. Йўлланма нархи ҳам «Артек»никидай осмонда бўлмаса-да, «ер»да бўлар, токи шундай дам олиш масканини барпо этиш керакки, болалар «Артек»ни ҳавас қилмасин.

Энди Қизилтепадаги «Нимкон» кашшофлар дам олиш масканига қайтсак. Бу дам олиш масканининг ўзига хос «тарих»и бор. Бир пайтлар бу жой «катта ака»ларнинг «чарчоғини» тарқатадиган жой бўлган. Бу бинолар нечоғлик «ҳодиса»ларни кўрмаган дейсиз.

Бу ерни болаларбоп қилишга ноҳия пахта тозалаш заводи оталиқ қилди. Таъмирлаш ишларига 38 минг, жиҳозларга 22 минг сўм сарфлашди. Улар болалар учун борини аяшмади. Энди эса заводнинг юмшоқ ўриндиқли автобуси ҳам ўқувчилар ихтиёрида. Дам олувчилар турли саёҳатларга, Бухоро шаҳрига бориб келишда ана шу автобусдан фойдаланишмоқда.

Дам олиш масканида ҳар доимгидек «Ҳамма яхши нарса — болаларга!» анъанавий шиорни учратмадик.

— Нимага керак ёлғон ишлар. Яхши нарсаларнинг ўзи йўқ-ку, — эзгиради Шокир Ҳабибов.

«Нимкон»да ҳар сменада 100 нафардан бола ҳордиқ чиқаради. Ҳордиқ чиқаришадику-я, лекин бу ер ҳарқалай «Артек» эмас-да.

Гули ЧЕҲРА.



СУРАТЛАРДА: Қизилтепа ноҳиясидаги кашшофлар уйи қошида фаолият кўрсатаётган «Парвоз» дастаси аъзолари; бош етакчи Орзигул Ражабова қизил галстуклилар билан.

Суратказ А. АЗИМОВ.

АСР ОШГАН МОМО

— Узоқ умр кўриш сири дейсанми, болам.

— Ҳамиша ҳалол меҳнат ва ҳушчақчақликда.

Аср, замон, даврлар оша ҳатлаб ўтаётган, икки даврни ўз кўзи билан кўрган мунис Мояхол момо Боймирзаева 1888 йилда ҳозирги «Кўкбулоқ» жамоа хўжалигининг Кон қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топди.

Елкасига офтоб тегиб-тегмай яшаган, ҳозирда эса невара-ю чеваралар қуршовида, улар ардоғида яшаётган момо 102 ёшни қаршилади.

Қарашлари тийрак, ўзини бардам сезмоқда.

Кишиларга умрбоқийлик сирларини ўргатаётган Мояхол момога ҳамиша соғ-омонлик, бахти саодат истаймиз.



СУРАТДА: Қашқадарё вилояти Қамаши ноҳиясида истиқомат қилаётган М. Боймирзаева.

Ч. РЎЗИБОЕВ сурати.

СИЭТЛ: МЕДАЛЛАР КЎПАЙМОҚДА

Америка Қўшма Штатларининг Сиэтл шаҳрида давом этаётган II-Яхши ният ўйинлари қизғин паллага кирди. Спорт оламида кечаги рекорд натижа бугунга келиб ҳеч кимни ҳайратга сололмайди. Лекин бундай катта мусобақаларда қатнашиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бу галги Америка учрашувларида бу яна бир бор намоён бўляпти. Фахрли ўринларга даъвогарлар кўп. Ҳозирнинг ўзидагина 54 жуфт медаллар совриндорлари аниқланди. Америкаликлар ҳисобида 49 та медаль (шунинг 12 таси олтин, 20 таси кумуш, 12 таси бронза) бўлса, Совет спортчилари ҳисобида 46 (16 та олтин, 16 та кумуш, ва 14 та бронза) медаль бор. Қизғин беллашувларнинг энг асосий босқичлари ҳали олдинда.

ОЛИЙ ЛИГА КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

СССР Футбол федерацияси ижроия қўмитасининг бўлиб ўтган йиғилишида мамлакат чемпионатини ўтказиш қоидаларига ҳакамлар Совети таклифи билан баъзи ўзгартишлар киритилди. Энди бу йилги чемпионат якунида олий лигага ўтадиган командалар масаласи қуйидаги тартибда ҳал этилади. Биринчи лигада дастлабки уч ўринни эгаллаган командалар олий лигада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Лекин тўртинчи ўринни эгаллаган команда эса олий лигада энг охирги ўринни олган жамоа билан икки марта (ўз майдонида ҳамда рақиблар майдонида) ўйинлар ўтказади. Иккала матч натижасига биноан уларнинг қайсиниси ғолиб деб топилса, 1991 йилги олий лига ўйинларида иштирок этади.



Йўқ, бу ўша машҳур Қодирийнинг «Ўтган кунлар»идаги Отабек эмас, бошқа Отабек. Асл исми Саъдулло. Шаҳрисабзлик. Сал кам йигирма йилдан бери ўрнидан туролмайди, ногирон...

Қашқадарёда унинг номини эшитмаганлар кам топилади. У овозни горнинг ўрта тўлқинли диапазонида ҳар куни «ишлайди». Саъдуллонинг ўз қўли билан ясаган радиоқурилмаларини кўриб ҳайратда қоласиз. Олайлик, жумҳуриятимиз ҳаво мавжларида асосий ўринни эгалловчи биринчи ва иккинчи Тошкент радиопрограммаларини узоғи билан қўшни жумҳуриятлар аҳолисининг ҳисобли қисми эшитиши мумкин. Ҳатто Ўзбекистоннинг ҳам ўзида шундай жойлар борки (узоқ тоғли қишлоқлар, жумладан Жиззах вилоятининг Бахмал ноҳиясидаги баъзи қишлоқлар) улар на ойнаи-жаҳон кўрсатувларини томоша қилади, на радио эшиттиришларни тинглайди. Аммо «Отабек»нинг соддагина, митти радиостанцияси орқали бемалол олис Қозоғистон, бу ёғи Туркманистондан тортиб то Хоразм вилоятигача, Фарғона водийси вилоятлари билан боғланиш мумкин. Қизиқ, ҳеч ақли бовар қилмайди кишининг.

Унинг маълумоти йўқ ҳисоб. Саккизинчи синфни ҳам тугатолмаган. Еттинчида ўқиб юрганида оёқ бўғинлари тортишиб умуман юролмайдиган бўлиб қолган. (1971 йил эди ўшанда). Мактабда жуда яхши ўқиган. Барча фанларни пухта ўзлаштирган. Энг севимли фанлари адабиёт ва физика бўлган. Шеърлар ҳам ёзган бир вақтлар. Аммо бешафқат тақдир...

— Ҳали ҳам шеър ёзгим келади,— дейди «Отабек» оғир тин олиб. Машраб ғазалларини, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Усмон Азим, Мирзо Кенжабоев, Йўлдош Эшбек, Муҳаммад Юсуфларнинг шеърларини ўқисам, таъсирланаман. Айниқса ленинободлик шоира, менинг тақдирдошим Зулфия Бобоева шеърлари руҳимга яқин. Йиғлагим келади. Нима қилайин. Ёлғиз суянчиғим радио бўлиб қолди. Бор дарду-аламимни шунга айтаман...

Ҳали ҳам эзилиб армон қилади: «Балки вақтида врачлар яхши қараганида юриб кетармидим». Балки...

Лекин бу дунёда қўли калтанинг куни қурсин-да. Ҳозир ҳам бир амаллаб кечаётган рўзғорнинг у вақтларда қандай бўлганини ҳеч тасаввуримга сиғдиролмадим. Отаси Абдураҳмон аканинг умри далада ўтган. Ҳозир ёши олтмишда. Онаси Тожихол опа эса 58 да. Оилада беш фарзандининг ҳаммаси ўғил. Иккитаси уйли-жойли, ўзи билан ўзи овора. Кенжаси ҳарбийда.

Бунинг устига яна бир ўғил 27 ёшли Холмурод ҳам «Отабек» акасига ўхшаб еттинчини битирар битирмас оёқ босолмай қолди. Саъдулло дастлаб Тошкентда 45 кун даволанган ҳам. Сал-пал оёғи ишлайдиган бўлиб қолган. Аммо кўп ўтмай яна... Холмурод Қаршида бир ой даволанган. Ҳеч фойдаси бўлмаган. Шу-шу ака-ука ёнма-ён. Бир-бировига суяниб яшайди.

Онаизор бўлса аламини кўз ёшидан олади. Абдураҳмон аканинг дарди ичида. Нима қилсин бечоралар. Давлат отага 85 сўм нафақа тўлайди. (Қирқ йилдан кўпроқ далада ишлаган оддий ўзбек меҳнаткашининг заҳматли меҳнати қадри нечоғли ўлчовли эканини кўряпсизми?). Хотини 70 сўм олади. Ака-укаларга бўлса 80-йилдан бошлаб аввал 30 сўмдан, икки йилча 50 сўмдан, шу йил январдан бошлаб 70 сўмдан ногиронлик нафақаси берила бошланган. 1980 йилгача ҳеч ким суриштирмаган ҳам...

— Худога шукр болам, «Отабегим»ни йўқлаб келадиганлар кўп, — дейди Тожихол опа. Буниси Қаршидан, бошқаси Бухородан келишади. Илоё, остонамдан одам оёғи узилмасин-да. Бу «алло» — «алло»сига ўзим тушунмайман. Гоҳо жаҳлим чиқиб, куйинганимдан раҳмим келиб, боламни койийман. У бўлса йиғлайди. «Энажон, бу дунёда мени ушлаб турган нарса шу. Бошқа иш қўлимдан келса, омон бўлсам, қараб турармидим?» деб ўксиниб қолади.

Отаси бўлса дала одами. Дардини билдирмайди. Мен бечорага қийин. Ниятларим шумиди? «Беш ўғлимни уйли-жойли қилиб ҳузур-ҳаловатини кўраман» дердим. Пешонамда бор экан. Балки ҳалиям даволатса бўлар. Бизни кўзимиз «кўр» (ҳеч жойни билмаймиз дегани) бўлса. Шукр қилиб ўтирибмиз, худога ёлвориб...

«Отабек» анча вақт жим турди. Кейин бошини хиёл кўтариб, онасига таскин берди: «Эна, кераги йўқ. Нолиманг. Борига шукр қилайлик. Давлат бериб турибди-ку! «Одамнинг заҳрини одам олади» деган гап бор. Уйимиздан дўстларим қадами аримаса бўлди. Бошқаси бекор». Холмурод бўлса босиқ. Гапирмайди. Савол берсангиз ё «ҳа» дейди, ё «йўқ».

«Отабек»дан сўрадим:

— Врачлар, жамоа хўжалиги, қишлоқ шўроси раҳбарлари ҳам ҳеч уйларингизга келиб турадими?

Менга қараб жилмайди-да, деди:

— Меҳр-мурувват сўраб олинмайди-ку! Энди ярим жон одамнинг кўнглини биласиз. Ўзингиз ўйланг, агар касалхонага тушиб қолсангиз мабодо, бирор кўнгил етар одам сўраб борса, бошингиз осмонга етадими? Етади, албатта. 33 га кирдим. Шу ёшимгача орттирган ёру-дўстларим ҳали мени ёлғиз қўйгани йўқ. Врачлар дейсизми? Нолисам бўлмас. Лекин айтмасам ҳам бўлмайди энди. Бир гал мазам қочиб қолди. Участка врачига одам юбордик, мотоцикл билан. Келмади. Шундан бери «Э худойим, ўзинг шифо бергин. Бировга ёлвортирма» деб тиловат қилиб яшайман. Абдулла Ориф ёзганидек; «Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин» экан. Раҳбарларми, уларнинг мендан бошқа ҳам ташвиши етиб ортса керак. Омон бўлишсин, халқнинг қорнини тўйдирса бўлди. Шуниси катта давлат...

«Отабек» жуда мулоҳазали фикр юритади. Дунёқараши кенг. Кўп китоб ўқийди. Кундалик матбуотни канда қилмайди.

— «Ёш ленинчи» энг севимли газетам. Бир куни «Радиобезорилар жавоб беринг» деган қизиқарли мақолани ўқиб қолдим. Ҳеч кўзларимга ишонмайман. «Наҳотки газетада бизнинг фаолиятимизни «оқлайдиган» мардлар чиқса-я» дейман. Ҳузур қилиб ўқидим. Жуда маъқул бўлди. Бу «ўрта тўлқинда» чиқадиган операторларнинг ҳаммаси дордан қочган безори, ғаламис» деб ўйлайдиган баъзи калтабин кимсаларга зарба бўлади. Мен уларнинг ҳаммасини оқламайман. Бор, шундайлари ҳам. Улар эфирни ҳам булғайди. Тингловчиларнинг меъдасига тегиб, эшиттиришларга халақит беради, тўлқинларини телевизор каналларига мослаштирадими-ей. Лекин чуқур билимли, радиотехниканинг бутун сир-асрорларини пухта эгаллаган «радиобезори»лар ҳам кўп. Уларни бошини қовуштирадиган одам йўқ...

Саъдуллонинг ҳам қирқ ҳунари бор. Қишлоқдошларининг радиоси бузиладими ё телевизорими, магнитафоними, кўтариб югуришади. «Отабек» бир кўриб бер-чи, ишламай қолди. Устага оборсам у ери куйибди, бу ери куйган, фалон сўм берасиз, деб оёқ тирайди». У кўнгли бўш, йўқ демайди. Қўли ҳам енгил, дарров тузатиб беради. Ҳар қандай дипломли уста ҳам «Отабек»дан ўтказиб созлолмайди. Яна ҳалиги юқоридаги усталарга ўхшаб «фалон сўм бермасанг тузатиб бермайман» деб ётмайди...

«Отабек» билан суҳбатлашганимда кўп нарсани айтмади. Охири синфдошларидан бири Қўчқор «ёрилиб» қолди: — Давлат томонидан бериладиган ана шу арзимаган нафақага ҳам кўз олайтирадиганлар бор десам, ишонмайсиз. Кимлар дейсизми? Ноҳия ички ишлар бўлими милиционерлари «ов»га чиқиб қолишганида тўғри уларникига келишади. «Аппарат маппаратингни мусодара қиламиз. Қани йиғиштирасанми, йўқми» шу беъмани ишингни. Ҳамманинг жонига тегиб кетдиларинг ўзи сенлар» дея қўрқитишган пайтлари кўп бўлган. Жарималар солишади.

Мен уни эфирга чиқа бошлаганидан бери биламан. Шунча йил мобайнида биров билан сену-менга бориб тортишганини, сўкишганини сира эшитмаганман. Аксинча, бошқалар эфир орқали сўкиниб, бир-бирини ҳақорат қилаётганини эшитса, бирдан устидан ўз станциясини қўшиб дамини «ўчириб» қўяди. «Отабек»дай одобли, ақлли оператор йўқ ўрта тўлқинда. Энг яхши, одамлар эътиборини тортадиган классиқ мусиқалар, ашулалар, замонавий қўшиқлар эшиттиради...

Ҳақиқатан ҳам «Отабек»нинг мухлислари кўп экан. Уларнинг самимий дил сўзларини бирма-бир ёзиб ўтирмадим. Шундоқ ҳам маълум.

Уларнинг орзу-умидлари кўп эди. Айниқса Саъдуллони агар шум тақдир бундай куйга солмаганида ким билади дейсиз, талантли ўқитувчи ё адабиётчи, шоир бўлармиди ёки физика илмларининг зукко мутахассиси бўлиб етишармиди? Афсуски, орамизда бундай ноёб ақл, талант эгалари кам топилади. «Бири кам дунё» деб бежиз айтишмаган эканда қадимгилар. Наилож, «Отабек»ка ўхшаган тақдирдош кишилар кўп. Улар ҳақида фақат бирон жойда ёзишса, кўрсатишса, гапиришсагина биламиз.

Балки ҳали ҳам кеч эмасдир. Ҳали дунёда юрагида яхшилик нурлари балқиб турган одамлар бор. Шундай экан, биринчи навбатда «Отабек» яшаётган Шаҳрисабз ноҳиясидаги Жўра Элбоев номли жамоа хўжалиги ҳамда Калинин қишлоқ шўроси, ноҳия, вилоят соғликни сақлаш бўлимлари мутасаддилари давлат нафақаси ҳисобига бир амаллаб кун кечираётган бу ночор оилада изтироб оламида яшаётган Саъдулло ва Холмуродлар ҳолидан хабардор бўлсалар яхши бўларди.

«Отабек»нинг ўзи айтганидек: «Меҳр-мурувват сўраб олинмайди». Бизнинг Шарқда одамлар ҳеч қачон бир-бировларининг дилларини оғритмаган. Аксинча, хаста бўлса кўнгил сўраб борган, оч-юпун бўлса, баҳоли-қудрат кўмак берган, кунига яраган. Илло, ҳали бу буюк инсоний меҳр-шафқат туйғулари бизни тарк этмагандир ахир.

Саъдулло билан Холмуроднинг шукрки, ота-онаси бор. Ҳеч кимга хор қилдириб қўйишмайди. Лекин мени бошқа бир ўй қийнайди. Кўп бўлгани йўқ, бундан бир неча ойгина бурун бир кеча-кундуз бетиним ойнаи-жаҳонда узлуксиз «меҳр-шафқат» кўрсатувлари бўлган эди. Шунда ҳаммамизнинг юрагимизга ларза солган мажруҳ болакайларнинг дардли нолаларини эшитиб титраб кетган эдим. Биз етмиш йилдан кўпроқ вақт мобайнида зўр бериб кўкларга кўтариб мақтаб келган «фаровон» жамиятимизнинг фожеалари ҳалиберн тугамаслигига имон келтиргандим. Ҳали ойнаи-жаҳон нигоҳидан олисларда яна қанчалаб меҳрга зор одамлар яшаётгани ўйлантирарди. Шаҳрисабзга бориб келганимдан бери шундайларни ўйлайман. Улар оз эмас экан. Лекин тўрт мучаси омон бўлганлар кўп-ку? Улардан бор меҳр-муруватимизни аямайлик, одамлар!..

«Отабек» билан узоқ суҳбатлашгач қайтишга чоғландим. Шунда, шунда биласизми, у ҳам менга тақлид қилиб, беихтиёр икки қўлини ерга тираб ўрнидан турмоқчи бўлди. Йўқ, гоҳо одам зоти иродасига ҳам бўйсунмайдиган организмдаги кучлар бунга йўл бермади. Ўзимни кўрмаганга олдим, унинг хижолатли кўзларига қарашга ботинолмадим. Кейин аста эгилиб хайрлашиш учун қўлимни узатдим Унинг қўллари қалтирарди. Кўнглим алланечук бўлиб кетди. «Отабек» эса ерга термулганча унсиз йиғларди... Қулоқларим остида эса майин ва ширали бир овоз жаранглар: «Мен «Отабек»ман, жавоб беринг...лар!..

Норқобил ЖАЛИЛ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.
Қашқадарё вилояти.

ХАЛҚАРО ЭКСПЕДИЦИЯ

ЮНЕСКОнинг «Ипак йўли — мулоқот йўлини комплекс тадқиқ этиш» кенг кўламли халқаро лойиҳаси маршрутининг биринчи босқичи Париждан Астрахангача давом этади. Мазкур лойиҳа мамлакатимиз ҳудудида амалга оширила бошланди.

Экспедиция қатнашчилари Парижда йўлга чиқиб, Мюнхен, Вена ва Будапештни босиб ўтгач, Совет Иттифоқининг Қора денгиздаги портига етиб келдилар. Бу ердан улар йўлни денгиз орқали босиб ўтадилар. Экспедиция «Фёдор Шаляпин» пассажир лайнерида Сочига жўнаб кетди. Бу ердан маршрут қатнашчилари экспедиция мутасаддиси бўлган Ғарбий Германиядаги машҳур «БМВ» фирмасининг тезюрар мотоциклларида Астрахангача етиб беришни мўлжалламоқдалар.

Экспедиция аъзолари Астраханга 31 июлда етиб келадилар.

ТВ

27 ИЮЛЬ — ЖУМА

● ЎзТВ I

11.30 «Табиатга муҳаббат». Кинопрограмма. 12.30 Такрорий фильмлар экрани. «Горгоннинг боши». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Сўғдиёна» қизлари». Бадиий фильм («Тожикфильм»). 19.00 «Фанга бағишланган умр». В. И. Ленин номли Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллиги олдидан. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Бола бошидан». Ўзбекистон телевидениеси ва «Совет Ўзбекистони» рўзномаси таҳририятининг биргаликдаги рейди. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Ижоднинг бошланиши». Катталар учун мультфильм. 21.10 «Субҳидам еллари». Дилрабо наволар. 21.45 Кинолавҳа. 21.50 «Одобнома». 22.00 «Ахборот». 22.20 «Абадият». Навоий ва Ҳусайн Бойқаро. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Ёввойи» Бадиий фильм («Ўзбекфильм» рус тилида). 19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳар бир уй учун». Бевосита мулоқот.

ДУШАНБЕ КУРСАТАДИ

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Парасту». Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ахбор». 22.20 «Негатив». Танқидий кўрсатув. 22.50 «Севги тумори». Бадиий фильм.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 Мультфильмлар: «Йўл-йўлакай булутлар билан», «Филга совға», «Хазина». 8.35 «Рус қирғоғи, олис қирғоқда...». Ҳужжатли фильм. 8.55 «Босқичлар». 10.10 «Умринг боқий бўлсин, Ер». 11.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 12.00 «Вақт»

* * *

15.15 Ашхобод шаҳар болалар филармонияси скрипкачилар ансамблининг концерти. 15.45 Мальдив жумҳуриятининг миллий байрами — Мустақиллик кунига. «Мальдивлар. Ороллардаги юбилей». Кинопрограмма. 16.15 «Жамғарма». Мультфильм. 16.25 «Бекинмачоқ ўйнаймиз». 16.55 «Ғалла трассаларида». Телекўприк. 18.00 «Вақт». 18.30 «Бу озодлик». Ширкат ҳаракати ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 19.00 Надежда Чепрага куйлайди. 19.25 «Бенони ва роза» Олти серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия. Премьера. 20.30 «Вақт». 21.00 Яхши ният ўйинлари. Енгил атлетика. 23.00 Гандбол. Эркаклар. Ярим финал. 23.30 Долзарб интервью. 23.40 «Бу бўлган... бўлганди...». 00.10 «Нигоҳ» программасининг махсус сони. «Ўз-ўзини ҳимоя қилиш... қуролсиз-а?». «Левашовлар меморандуми».

● МТ II

7.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 7.45 «Госпиталь». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 8.25 «Салют» Маданият саройида халқ қўшиқлари байрами. 8.55 «Йўқолган хазинани излаб». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 10.00 «Олтин антилопа». Мультфильм. 10.30 Такрорий телефильмлар сеанси. «Бу ҳаммаси у ҳақда». 5 ва 6-сериялар. 12.40 С. Раҳманинов номли II Бутуниттифоқ конкурсининг лауреати Э. Чуприк чалади.

* * *

16.30 «Қуённикида ҳовли тўйи». Мультфильм. 16.50 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 16.55 «Ўғирлик». Телевизион ҳужжатли фильм. 17.45 Компьютерли аккордеон учун соло. Ю. Дранга ва Б. Тимур чалади. 17.59 «Уй». Ҳужжатли фильм премьераси. 18.20 «Биринчи қаторга чипта». Мусиқий гороскоп. 19.20 Яхши ният ўйинлари. Бейсбол. СССР — АҚШ терма командалари. Енгил атлетика. 20.25 «Навбат сизга, артист». Л. ва В. Анисимовлар куйлайди. 20.45 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Сеҳрланган ўрмон». 21.00 Н. В. Гоголнинг экранлаштирилган асарлари. «Ўлик жонлар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 22.30 Н. Латинский чалади (скрипка). 23.00 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 23.20 Яхши ният ўйинлари. Волейбол. Хотин-қизлар. Финал. Сув полоси. СССР — Испания терма командалари.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 06223. Д. — 23509.